

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ОН-ЛАЙН ЖУРНАЛИСТИКА”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил
24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида
тайёрланди.**

Тузувчи:

**ЎзМУ, доценти
Н.Ф.Муратова**

Тақризчи:

**Сеул Вонтай (Жанубий Корея)
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети профессори**

**Ўқув -услубий мажмуда ЎзМУнинг кенгашишининг 2017 йил _____ дағи ___ -
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	14
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	43
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	47
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	48
VII. ГЛОССАРИЙ	49
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	54

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Он-лайн журналистика” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

“Он-лайн журналистика” курсининг мақсади тингловчиларни хорижда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган коммуникацион сиёsat ва медиаиқтисодиётнинг асосий мазмуни, таркиби ва йўналишлари, ҳамда ОТМда мазкур йўналишда ўқитилаётган фанлардаги янги натижалар билан танишитиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Онлайн-журналистика” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борадаги хорижда ва мамлакатимизда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

“Он-лайн журналистика” модулининг вазифалари:

- Тингловчиларга “Он-лайн журналистика” масалалари бўйича концептуал асослар, мавзунинг мазмуни, таркиби ва асосий муаммолари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга қўмаклашиш;
- таълим-тарбия жараёнида он-лайн журналистика мазмуни, функциялари, таркибий унсурларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини ошириш;

- демократик жамият ривожини таъминлаш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш маҳоратини ошириш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар

«Он-лайн журналистика» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- он-лайн журналистика мазмуни, таркиби ва янги тенденциялари, он-лайн муҳитда турли маданиятлар вакилларининг самарали ҳамкорлиги, он-лайн муҳитда замонавий мультимедиаформатлар, интернет ахборотини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг психо-когнитив жиҳатлари, тармоқдаги оммавий коммуникация воситалари ривожланишига доир футурологик концепциялар мазмуни ва уларнинг жамиятга таъсири; постмодернизм даврида семиотика ва онлайн медиалар, он-лайн муҳитда конвергент журналистика ҳақида билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

- касбий фаолият олиб бориш мақсадида он-лайн муҳитда замонавий мультимедиаформатлардан фойдаланиш;
- он-лайн журналистика соҳасидаги янги тенденцияларни ўқув машғулотларида талабларга тушунтириб бера олиш;
- он-лайн журналистиканинг асосий воситалари, форматлари ва турларини ажратиш **қўникмаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- он-лайн журналистика йўналишидаги фанлардаги янгиликлар асосида ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларга ўзгартириш киритиш;
- маъруза материалларини янги хорижий ва миллий адабиётлар асосида янгилаш;
- мазкур йўналишдаги фанлар доирасида талабаларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш **малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- мазкур йўналишда тўпланган янги маълумотларни саралаш ва муайян фанлар доирасида тизимлаштириш, аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш **лаёқатларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

«Он-лайн журналистика» модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билин боғлиқлиги ва узвийлиги

«Он-лайн журналистика» модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатта эга бўладилар.

«ОН-ЛАЙН ЖУРНАЛИСТИКА» МОДУЛЬ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				жумладан		
			Жами	жумладан					
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот				
1.	Он-лайн мухитда маданиятларо диалог. Он-лайн мухитда замонавий медиаформатлар.	6	6	2	2	2			
2.	Интернет ахборотини ишлаб чиқиш ва истеъмол қилишнинг психо-когнитив жиҳатлари.	4	4	2	2				
3	Тармоқдаги оммавий коммуникация воситалари ривожланишига доир футурологик концепциялар мазмуни ва уларнинг жамиятга таъсири.	6	6	2	2	2			
4	Постмодернизм даврида семиотика ва онлайн медиалар.	6	4	2	2			2	
5	Ижтимоий медиалар – журналистика тараққиётидаги янги йўналиш. Он-лайн мухитдаги конвергент журналистика.	8	6	2	4			2	
Жами		30	26	10	12	4		4	

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Он-лайн мұхитда мәданиятларо диалог. Он-лайн мұхитда замонавий медиаформатлар.

Он-лайн медиамаконда турли мәданиятлар вакилларининг самарали, нозиддиятли ҳамкорлиги. Он-лайн контент воситасида образ ва ташунчаларнинг интерференцияси. “Юмшоқ күч” тушунчаси. Он-лайн медиамаконда ахборотни тайёрлаш ва узатишнинг замонавий усуллари. Он-лайн журналистикининг эңг янги медиаформатларининг типологияси ва хусусиятлари

2-мавзу: Интернет ахборотини ишлаб чиқиши ва истеъмол қилишнинг психо-когнитив жиҳатлари.

Он-лайн мұхитда аудитория ва муаллиф муносабатлари. Интернет журналистлари томонидан мақсадли аудиторияга ахборот тайёрлаш ва узатышдаги ўзига хослик. Турли форматдаги Интернет ахборотининг аудитория томонидан қабул қилиниши.

3-мавзу: Тармоқдаги оммавий коммуникация воситалари ривожланишига доир футурологик концепциялар мазмуни ва уларнинг жамиятта таъсири.

Тармоқ коммуникациялари тараққиётидаги замонавий тенденциялар, ахборот жамияттига футурологлар ёндашуви. Тармоқ коммуникацияларининг жамият ривожланишига таъсири концепциялари. Он-лайн мұхитда конвергент журналистика ҳақида билимларга эга бўлиши.

4-мавзу: Постмодернизм даврида семиотика ва онлайн медиалар.

Онлайн медиада символ ва белгилар. Интернет журналистикада семиотик тахлил. Он-лайн ОҚВ учун материал тайёрлашнинг янги услуг ва методикалари ва у ҳақида маълумот олиш.

5-мавзу: Ижтимоий медиалар – журналистика тараққиётидаги янги йўналиш. Он-лайн мұхитдаги конвергент журналистика.

Ижтимоий тармоқлар таъсирида журналистик фаолият юритиш. Веб 1.0 ва Веб 2.0. шароитида журналистик фаолият. Веб-мұхитдаги конвергент ва мультимедиа журналистика.

Амалий машғулотлар ўтказиш давомида тингловчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш. Интерфаол методлардан фойдаланиш. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш (кейс-стади, лойиҳа услублари ва б.).

КЎЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

Кўчма машғулотлар модул соҳаси бўйича етакчи олий таълим кафедралари ва илмий-тадқиқот мұассасалари лабораториялари ҳамда ишлаб чикарни корхоналари бўллиmlаридан ташкил этилади. Мазкур машғулотлар соҳага оид долзарб мавзуларда тажриба-синов ва лаборатория машғулотлари ҳамда танишув амалиёти шаклларида олий борилади. Шунингдек, таъқидланган мұассасалар ва корхоналар етакчи мутахассислари томонидан республика ва хорижий илмий марказларда соҳа йўналишида амалга оширилаётган илғор илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича таҳлили шарҳлар берилиши маскадга мувофиқидir.

Кўчма машғулотлар учун қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzalар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал балл-**0,8 балл.**

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

-



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезрок ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: “Интернетнинг мультимаданий мулоқот майдони” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниклаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методиниамга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниклади ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Хал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Постиндустриал жамият</i>			
<i>Ахборот жамияти</i>			
<i>Билимларга асосланган иқтисодиёт</i>			
<i>Виртуал жамият</i>			

Изоҳ: Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниши маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушуунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршишман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Бумеранг” технологияси

Мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзуу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гурӯҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 5

дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакқида фикр алмасиниш имконятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гурухларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гурухларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Хар бир гурухдан 1 киши савол беради, ва тугри жавоб учун 1-3 гача балл куйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гурухлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гурухни эълон қиласади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Бумеранг” технологияси асосида вазифа: Олинган материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг гуруҳда мухокама қилинг

1- гурухга вазифа	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштирса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширса бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none">- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали
2- гурухга вазифа	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласади, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варажланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужсатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>

<p><i>3- гурӯҳга вазифа</i></p>	<p><i>Аудиослайд-шоу</i> – замонавий сабаб журналистиканиң мультимедиявийлиги яратилган фотоиллюстрациялаширишининг синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзib олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашиётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмунининг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олинниши мумкин.</p>		
<p><i>4-гурӯҳга вазифа</i></p>	<ul style="list-style-type: none"> - Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир. - Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади. 		

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: ОН-ЛАЙН МУХИТДА МАДАНИЯТЛАРАРО ДИАЛОГ.

РЕЖА:

- 1.1. Он-лайн медиамаконда турли маданиятлар вакилларининг самарали, нозиддиятли ҳамкорлиги.
- 1.2. Он-лайн контент воситасида образ ва тушунчаларнинг интерференцияси.
- 1.3. “Юмшоқ куч” тушунчаси.

Таянч иборалар: Интернет, коммуникация, “юмшоқ куч” (*soft power*).

1.1. Он-лайн медиамаконда турли маданиятлар вакилларининг самарали, нозиддиятли ҳамкорлиги.

Интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа амонавий медиа технологиялар инсонларнинг мультимаданий муҳитда яшашини таъмин этган холда, аҳолининг маданий хаётда иштирокни кенгайтирди дейиш мумкин. Бунда турли миллат вакиллари маданий ҳамкорликни юзма юз амала ошириш мумкин эканини ҳам кўриш мумкин. Бу борада аҳолининг нозик ижтимоий қатлами хисобланмиш қариялар, этник гурухлар, имконияти чекланган инсонлар, ёлғиз оналар ёки узоқ хуҳудларда истиқомат қилаётган аҳолининг Интернет тармоқи орқали самарали диалоги ташкил этилганини кузатиш мумкин. Улар мазкур он лайн муҳитда ўзга керакли ахборотни олиш, унга жавоб бериш ва шу орқали дунё билан алоқада қолиш имконига эгадир.

Маданий истеъмол маъносида ушбу тушунча катта ижтимоий аҳамият касб этади. Янги технологиилар ва Интернет жуда тез ривожланмоқда, аҳолининг турли қатламлари орасида унинг оммалашуви ҳам, турли инсонларнинг кундалик ҳаёти давомида доимий равишда ягона ахборий муҳитга интеграциялашувини таъминлайди. Интернетдан фойдаланиш имконияти бугунги кунда, ўтган асрда худди кутубхоналардан фойдаланиш имкони сингари “маданий ҳуқуқ”¹ (*cultural right*) тамойилининг талаби саналади. Ва шу сабаб ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг йиғилишида (La Rue, 2011) “Интернетдан фойдаланиш инсоннинг ўз фикрини билдириш учун зарур инструмент бўлиб, аҳолининг ўз ҳукуқларидан фойдаланиш имкониятини яратади” деб таъкидланган.

¹ Measuring cultural participation. UNESCO-UIS. 2012. P.25-27

Ахоли учун бунда нафақат Интернет орқали балки виртуал мұхиттинг ўзіда турли миллат вакилларининг фикр ва ахборот алмашинувини қайта күриш назарда тутилади. Ушбу жараёнларни янада чуқур яхши ўрганиш аҳолининг маданий ресурслардан қанчалик унумли фойдаланиши борасида фикр юритишга ундайды. Бунда эса албатта, биз Интернетдаги маълумотларнинг бу борада қанчалик ушу имкониятни таъминлаши борасида ўйланишимиз керак.

Бунда турли хил техник ва тил нұқтаи назардан тусиқлар бўлиши табиий. Аммо мутахасислар бу жараённи ҳам устида ишлаб, бугунги кунда ахборотни турли тилларда бериш учун кодировка, тил имкониятлари нұқтаи назаридан такомиллаштироқда. Ва бу ўз навбатида интеграцион жараёнларда маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш имконини беради².

1.2. Он-лайн контент воситасида образ ва тушунчаларнинг интерференцияси.

Хар қандай коммуникация сингари веб-мұхитдаги ахборот алмашинуви жараёни ҳам бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Интернет оламида маълумот алмашинуви холати билвосита коммуникация жараёнига таълуқли бўлиб, унинг имкониятлари Интернет имкониятлари сингари кенгdir. Интернетнинг ОАВ сифатидаги ўзига хос жихатлари сифатида куйидагиларни эътироф этиш лозим:

- тармоқнинг глобал миқиёсга эга экани;
- маълумотлар узатишдаги тезкорлик
- иш жараёнининг марказлаштирилмагани;
- хама учун очиқлиги (доступность);
- фойдаланувчи томонидан назорат қилиниши;
- иқтисодий жихатдан қулайлиги.

Айнан мазкур жихатлар ундаги аудиторияни характерлайди дейиш мумкин. Интернет билан боғлиқ тушунчалар қаторида доимий равища биз *глобаллик, интерактивлик, номарказлашганик, рақамлаштириши ва тезкорлик* кабиларни назарда тутамиз. Веб контент маъносида ҳам айнан мазкур тушунчалар унинг хусусиятларини акс эттиради дейиш мумкин. Интернет мұхитида берилаётган маълумотлар ушбу кўрсатгичларга эга бўлмаган тақдирда он лайннинг тўлиқ талабларига жавоб бермайди.

Интернет аудитория диалоги нұқтаи назаридан бугун ушбу компонентлар онлайн мұхитда самарали коммуникацияни амалга ошириш имконини яратади дейиш мумкин. Негаки, ушбу коммуникацион жараён:

- глобал миқёсга эга бўлади,
- рақамли форматда кечади,
- текзор амалга оширилади,
- интерактив имкониятлар туфайли икки томонлама алоқанинг юзага келишига сабаб бўлади,

² Measuring cultural participation. UNESCO-UIS. 2012. P.25-27

- ҳамда ушбу коммуникацион жараён учун марказлаштирилган тизим эмас, номарказлашган катта тармоққа эга тизим замин яратади.

Шу нүктаи назардан Интернет орқали маълумотлар алмашинуви жараёнида биз маданиятлар аро диалог қуришимиз учун универсал техник воситага эга эканимизни эътироф этишимиз мумкин.

Аммо мазкур жараёнда глобал аудиториянинг турли миллатли ва турли жамият қатламларидан эга эканлигини инобатга олган холда, ундаги ахборот алмашинуви даражасига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу борада тушунчаар ва қарашлардаги зиддиятли холатларни олдини олиш мақсадида, глоаб аудиторияга мўлжалланган контентнингтурли форматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунда тасвир ва матн уйғунылигидаги маълумотлар алмашинуви албатта ўз самарасини беради. Негаки, бугунги замонавий Интернет айдиторияси ўзига хос. Хусусан, у фаол ёки интерфаол, глобал, мобил, талабчан, танлаш ҳукуқига эга, ўқишдан кўра томоша қилишни афзал кўради, яъни томошабиндир.

Унинг фаоллиги қуйидагиларда намоён бўлади: у маълумотни ўзи излаб топади, ўзи яратади, ўзи чоп этади ва мустақил равишда ўзи тарқатиши мумкин. Интерфаоллиги эса қуйидагиларда намоён бўлади: аудитория муносабат билдиради, маълумотни изоҳлайди, маълумотни танқид қила олади, қарши ёки қўшимча маълумот беради, маълумотни янада кенгроқ тарқатади.

Бугун анъанавий ОАВ ва Интернет ОАВ ўртасида ўзаро хамкорликни мустаҳкамлаш масаласи долзарб бўлиб турипти. Янгиликлар журналистикаси харбий ва таълим соҳаларидан кейинги ўринда онлайн форматга ўтган учинчи соҳа саналади. 1990 йилларда 18 ой ичида миллий ва худудий нашрлар Интернетда ўз саҳифаларини очиб, онлайн худудни эгаллашга улгурди. Стифан Миллер, New York Times нашри муҳаррир ёрдамчиси, ўша даврда “Интернет шаклида маълумот тарқатиш журналистика соҳасини тубдан ўзгартириб, таҳририятларни янги бизнес моделларни излаш талабини илгари суради ва бу аввал биз хеч қачон олиш имконингиз бўлмаган янги ахборот алмашинуви модели...” деган эди.³

Яъни, мобиллик ва эркин танлаш имконияти нүктаи назаридан глобал аудитория Интернетдаги маълумотни истаган вақтда олади, веб муҳитдаги ахборотни исталган жойда ўқиёди, томоша қиласи, тинглайди, онлайн янгиликларни турли кўринишларда (текст, аудио, видео, графика) олади, ҳамда мобил ёки веб – шаклларда ахборот билан ишлаши мумкин.

Аммо шунга қарамай рақамли технологиялардан фойдаланишдаги номутаносиблиқ ахборот олиш борасида тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу эса қуйидаги холатларда намоён бўлади: ахборот олиш жараёнида дунё аҳолиси тенгсизлиги, замонвий ахборот муҳитига кириш борасида давлат миқиёсида тенгсизлик, ахборот алмашинуви жараёнида иштирок бўйича худуд миқиёсида тенгсизлик ва хатто Интернетдан маълумот олиш борасида

³ Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001. Б. 4

оила ичида тенгсизлик мавжуд.

1.3. “Юмшоқ куч” тушунчаси.

Оммавий ахборот ва коммуникация жараёнлари хакида гап борганда сўзсиз, жамоатчилик дипломатияси деган тушунчага дуч келамиз. (public diplomacy) ва у ўз ўзидан хокимият билан боғлиқ эканини англаш мукин. Джозеф Най (Joseph Nye) исми бу борада “юмшоқ куч” (soft power)⁴ тушунчаси орқали таниш. Ушбу олим “юмшоқ куч” ни “номоддий, билвосита таъсир кучига эга бўлган – маданият, қадриятлар ҳамда мафкура кабиларни ўзи ичига олади” деб таърифлайди. Айни пайтда бу дипломатия соҳасида энг кенг тарқалган атама хисобланади ва биринчи бор Джозеф Най (Joseph Nye) томонидан 1990 йилда кўлланилган. Унга қарши ишлатиладиган “қаттиқ куч” (hard power) қуролланишда кучайиш тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, замонавий дипломатия ва ахборот алмашинуви жараёнларида бу анча қимматга тушувчи усул хисобланади дейилади.

АҚШ томонидан кўлланилган айнан шундай “юмшоқ куч” ишлатилган мисолни 2002 года февраль ойида The New Yorker журнал томонидан чоп этилган мақолада кўриш мумкин. Джо Клейн (Joe Klein) исмли езувчи бу ерда АҚШ содир бўлган 11 сентябрь воқеаларига Эронлик ўқитувчининг таъсиrlанганини унинг Нью Йорклик режжиссер Вуди Аллен (Woody Allen) га нисбатан чуқур хурмати орқали кўрсатиб берилиб, журналда шу ўқитувчининг “Мен жуда таъсиrlандим, қўрқдим, севимли режжисерим ҳам бу фожеада талофат кўришидан қўрқдим. Унинг ўлишини хохламиман, унинг ифълмларини севаман” деган сўзлари чоп этилади.⁵

Бу борада шунингдек, Интернет сарҳадларида ҳам бу каби мисолларни талайгина учратишимииз мумкин эканини таъсидлаш лозим.

Назорат саволлар:

1. Интернетнинг ўзига хослиги нимадан иборат?
2. Интернет аудиториясининг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
3. “Интернет - маданиятлараро диалог воситаси” деганда нимани тушунасиз?
4. Интернет орқали маълумот тарқатишда “юмшоқ куч” тушунчаси нимани англатади ва Интернет ОАВда нималарда намоён бўлади?
5. Рақамли технологиялардан фойдаланишда номутаносиблиқ сабаблари ва оқибатлари?

Адабиётлар рўйхати:

1. Measuring cultural participation. UNESCO-UIS. 2012. P.25-27

⁴ Nancy Snow, Philip M. Taylor. Routledge Handbook of Public Diplomacy. Routledge. Taylor & Francis. 2009. P 23.

⁵ Nancy Snow, Philip M. Taylor. Routledge Handbook of Public Diplomacy. Routledge. Taylor & Francis. 2009. P 24.

2. Nancy Snow, Philip M. Taylor. Routledge Handbook of Public Diplomacy. Routledge. Taylor & Francis. 2009. P 24-26
3. Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001.
4. Қудратхұжаев Ш.Т. Интернет: яратилиши, тарихи, техник хавфсизлик масалалари. Үқув-услубий құлланма. Тошкент 2011 йил.

2-мавзу: ИНТЕРНЕТ АХБОРОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ИСТЕЙМОЛ ҚИЛИШНИНГ ПСИХО-КОГНИТИВ ЖИХАТЛАРИ.

РЕЖА:

- 2.1. Он-лайн мұхитда аудитория ва муаллиф муносабатлари.
- 2.2. Интернет журналистлари томонидан мақсадлы аудиторияга ахборот тайёрлашы ва узатышдаги үзига хослик.
- 2.3. Турли форматдаги Интернет ахборотининг аудитория томонидан қабул қилиниси.

Таянч иборалар: Интерактивлик, мақсадлы аудитория, Интерактив журналистика.

2.1. Он-лайн мұхитда аудитория ва муаллиф муносабатлари.

Бугунғи Интернет ОАВ мазмун жиҳатдан ўз ранг бараптасып мавзу жиҳатдан турли туманлиги билан харakterланади. Оммавий ахборот востайлари тизимида ИНТЕРНЕТ аудиторияси географик жойлашуви бўйича кенг ва ёши бўйича чегараланмагандир, хусусан, бугун теле-кўрсатувлардан 7 дан 70 ёшгача бўлган аҳоли үзини қизиқтирган мавзу юзасидан маълумот олиши мумкин. Айнан шу сабаб, бугун мазкур аудиторияининг психологик хусусиятларини ва талабларини ўрганиш зарурати кўндаланг.

Глобализация натижасида ОАВ аудиториясининг ҳам глобаллашганини эътироф этади хорижлик мутахассислардан бири Жим Холл, (Jim Hall).⁶ Муаллиф бу борада бир қанча етакчи дунёвий ОАВнинг

⁶ Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001. Б.15

аудитория билан муносабатларидаги ўзгаришларни келтириб, аудиториянинг ахборот алмашинувчидаги тезкор ва доимий иштирок этиши каби йўналишларни келтиради.

Ўзбекистон Интернет ОАВси ҳам охирги йилларда сезиларли даражада ўзгарди, бир томондан техник янгиланишлар амалга оширилган бўлса, иккинчи томондан мазмун жиҳатдан бойиш, мавзулар ранг–баранглигининг анча ортгани маълум. Рақамли канал орқали трансляция имкониятлари эса миллий Интернет ОАВнинг қамровини янада кенгайтирмоқда, яқин хориж давлатлари ҳам ўзбек теледастурларини томоша қилаётганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Кўриниб турибдик, мамлакат ИНТЕРНЕТ аудиторияси бугун жўғрофий сарҳадлардан ошди.

Интернет ОАВ аудиторияси билан анъанавий ОАВ сирасига кирувчи бошка ОАВ аудиториясини солиштиrsак, қандай холатни кузатамиз? Дейлик, теле-томушабинлар кунига ўрта хисобда 3-4 соатдан ортиқ ёки ҳаётининг 9-11 йилини телекўрсатувлар кўришга сарф этади, дейди хорижлик мутахассислар.⁷ Бизни мамлакатимизда бундай аниқ статистик маълумот мавжуд бўлмасада, миллий ТВ аудиторияси бунданда кўпроқ вақтини зангори экран қаршисида ўтказади, дея тахмин қилиш мумкин. Бунга сабаб Интернет ОАВ пайдо бўлгандан кейингги авлод вакилларининг психологиясида ТВ кўришга доимий эҳтиёж шаклланганини кўрсатиши мумкин. Албатта, замонавий хаёт тарзимиз кузатар эканмиз хар бир хонадонда зангори экран оила аъзоси бўлиб қолганини сезиш мушкил эмас. Ўзбекистон ТВси бугун тор йўналишдаги, аниқ мавзуга ихтисослашган каналлар пайдо бўлди ва дейиш мумкинки, хар бир томошабин ёши ва қизиқишидан келиб чиқиб телекўрсатув танлаши ва топиши мумкин.

Интернет аудиториясига нисбатан ҳам худди шу холат мос эканини таъкидлаш мумкин. Интернет ОАВда ҳам биз 7 дан 70 ешгача бўлган аудиторияни кўришимиз, тор йўналишдаги ва политематик мавзулардаги, тезкор ахборий, ҳамда кўнгилочар манбаларни аудитория доимий кузатишини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Аммо фарқли жиҳатлари шундаки, Интернет ОАВ аудиторияси географик ва вақт жиҳатдан чегараларни тан олмайди, эфир вақти чегараларига эга эмас, телеканал маъмурияти белгилаган кўрсатувларни эмас, ўзи истаган кўрсатувларни ва томоша қилиш вақтини танлай олади. Ушбу холатни биз интерактивлик тушунчаси билан изоҳлашимиз мумкин.

Замонавий аудитория эҳтиёjlари Интернетдан бир нечта мақсадда фойдаланишидан келиб чиқади:

⁷ Blinkx Survey of TV and Online Video Habits Reveals Surprising User Behavior». 2008. 28 Febr.

- Сиёсий, ижтимоий, спорт ва бошқа мавзуларда ахборот олиш;
- Таълимий мавзуларда маълумот олиш;
- Хордиқ чиқариш;
- Вақт ўтказиш.

Ахборот олиш аудиториянинг доимий фундаментал эҳтиёжи бўлиб келган, шундан келиб чиқсан холда, бугун Интернет орқали атроф муҳитда содир бўлаётган воқеалардан боҳабар бўлиш, дунё ва мамалакат янгиликлари билан танишиш дастлабки мақсадли мурожаатдир. Аммо замонавий ОАВ тизимида янги ахборот узатиш воситаси Интернет-медиа оммалашаётгани ва тезкор маълумотларнинг бериб борилиши бошқа ОАВда оммабоплигини камайтиради.

2.2. Интернет журналистлари томонидан мақсадли аудиторияга ахборот тайёрлаш ва узатишдаги ўзига хослик.

Интернет журналистлари томонидан мақсадли аудиторияга ахборот тайёрлаш ва узатиш жараёни веб-нашрлардаги медиаматериалларга хос жиҳатлар америкалик олимлар томонидан аниқланган.⁸ Рақамли форматда тақдим этилган 1000дан ортиқ материалларни ўрганиб чиқсан тадқиқотчилар ҳар қандай Интернет-мақолага хос бўлган қўйидаги беш асосий элементни ажратиб кўрсатади:

– *Восита (media)* - тушунча остида материалларни тақдим этиш шакли тушунилиб, у Интернетда кўп хил медиа турлари: матн, фото, видео, аудио, графика ва бўлар умумлашмаси сифатида қандай тузилганини намоён этади. Ахборот узатишда у ёки бу шаклни танлаш материалнинг мазмuni, долзарблиги, вақт нуқтаи назаридан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, тезкор хабарни фото қўмагида матн шаклида берилса, унга оид тафсилотлар, вақт бўйича бироз кўпроқ меҳнатни талаб этадиган видео, графиклар ёрдамида қўшимча ёритилиши мумкин. Бундан ташқари, маълумотнинг мазмуни ҳам аҳамиятли, айрим хабарларни матн билан ифодалагандан кўра тасвирда тайёрлаш самаралироқ бўлиши мумкин, шу жиҳатдан уларни фотолента, тасвирий ҳикоя, инфографика форматига тушириш маъқулроқдир.

– *Харакат (action)* – Интернет материаларида бу тушунча икки йўналишга эга: 1) веб-мақола бўйлаб ҳаракат ва 2) фойдаланувчилар томонидан муайян ахборотни олиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракат. Биринчиси турғун, динамик ва аралаш турларга бўлинади. Мақолада гиперхаволаларнинг мавжуд эмаслиги турғунликка олиб келади, калит сўзлар

⁸ PaulN., Fiebich C. The Elements of Digital Storytelling. – www.inms.imn.edu/Elements/index.php

бўйича гиперхаволаларнинг келтирилиши эса динамикликини таъминлайди. Ўқувчилар томонидан ҳам сайт бўйлаб ҳаракатда пассивлик ёки активликни кузатиш мумкин. Сайтга ташриф буюрганда фойдаланувчи қанчалик сайт бўйича ичкарига интилса у ҳаракатда фаол экани тушунилади, аксинча бир нечта хаволадан сўнг сайтни тарк этган, ё бўлмаса, бош саҳифанинг ўзиданоқ чиқиб кетган ўқувчидаги пассив ҳаракатланиш кузатилади.

– *Муносабат (relationship)* - рақамли материал ва фойдаланувчи ўртасидаги муносабатни назарда тутади ва у очик ёки ёпиқ тусда бўлади. Буни материалга изоҳ қолдириш учун талаб этиладиган “рўйхатдан ўтиш” шакли мисолида кўриб чиқамиз. Маълумотга фикр билдириш учун рўйхатдан ўтиш шаклини тўлдиришга тайёр бўлган, муаллиф е-манзилига хабар жўнатувчи, сайтдаги сўровномада қатнашувчи, изоҳ қолдириш шаклини фаол қўллайдиган, ижтимоий тармоқларда ўзига ёқсан материал билан ўртоқлашувчи ўқувчилар билан “очик” муносабат ўрнатилса, бу каби интерфаол воситаларни қўллаймайдиган, шунчаки сайтни ўқишини маъқул кўрувчилар муносабати “ёпиқ” деб айтиш мумкин.

– *Контекст (context)* – муайян мавзуга оид қўшимча маълумотлар билан танишиш воситаси бўлиб, боғланган (ҳаволали) ҳамда автоном турларга бўлинади. Бунда материал билан шу мавзудаги бошқа ахборотларга чиқиш имконияти, яъни гиперхавола калит сўзлар таркибига бириктирилиши, фотосуратга жойлаштирилиши, сарлавҳаларда акс эттирилиши мумкин. Қолаверса, манбалар нуқтаи назаридан ички ёки ташқи манбаларга бириктирилган ҳаволаларни фарқлайди. Автоном, яъни айри контекст мавзуга оид бир неча материалларнинг рўйхатини келтиришда кузатилиши мумкин.

– *Коммуникация (communication)* - Интернет-ОАВ нашрлари учун шарт саналган мазкур элемент таҳририят, муаллиф ва аудитория ўртасидаги алоқани таъминлайди. Веб-ресурсда хабарни эълон қилишнинг ўзиёқ бир томонлама коммуникациядир. Қўшимча коммуникатив воситаларга икки томонлама мулоқот сифатида қаралиб, хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, коммуникация йўналиши, мулоқот типи, техник ўзига хослиги, бошқарилиши ва мақсадига кўра фарқланади. Масалан, қайта алоқа шакли, изоҳ қолдириш имконияти, сўровнома, форумлар, сайт муаллифларининг е-постасига хабар жўнатиш шакли коммуникатив элементлар сифатида келтирилади ва қайта алоқа мақсадига кўра ҳар бирининг ўз вазифаси мавжуд.⁹

Хулоса сифатида Интернет-ОАВ анъанавий нашрлар табиатига хос

⁹ PaulN., Fiebich C. The Elements of Digital Storytelling. – www.inms.imn.edu/Elements/index.php

жиҳатлар билан бир қаторда, ўз унical хусусиятларига ҳам эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Юқорида келтирилган ёндашувларнинг умумий жиҳати шундаки, уларнинг барчаси Интернетдаги журналистик амалиётни ўрганиш асосида шаклланган. Моҳиятан, Интернет-журналистика соҳасида назарий асос эмпирик материал, яъни амалий мисоллар таҳлилига таянган ҳолда шакллантирилмоқда ва бу унинг асосий хусусиятидир.

2.3. Турли форматдаги Интернет ахборотининг аудитория томонидан қабул қилиниши.

Аудитория. Мазкур элемент Интернет-нашрини бошқа ижтимоий коммуникация турларидан шуниси билан ажратиб туради-ки, бунда коммуникант, яъни аудитория қамров жиҳатидан глобал, таркиб ва ҳажм жиҳатидан эса тарқоқ, аноним, очиқдир. Шу ўринда веб-аудиториянинг яна бир қанча ўзига хос хусусиятларини келтириб ўтиш ҳам ўринли. Интернет нашрининг ўқувчиси бугун нафақат “ахборот истеъмолчиси”, балки “ахборот ҳаммуаллифи” ҳамдир. Бунинг учун Интернет саҳифаларида мавжуд турли интерактив воситалар (изоҳ қолдириш, форумлар, ахборот билан ўртоқлашиш имкониятлари) кулай ва аҳамиятли инструментлардир.

Биз аудитория кучини хеч качон унутмаслигимиз керак. Бугун айнан шу куч глобал медиа-ландшафтни шакллантиомоқда. Интернетнинг ахборот циркуляциясида ҳам айнан аудитория иштироки хал қилувчи роль ўйнамоқда.¹⁰

Интернетдаги коммуникациянинг тўрт конфигурациясини ажратиш мумкин:

- *One to one* – муаллиф ёки муҳаррир е-почтасига хат жўнатиш каби коммуникатив ҳаракат;
- *One to many* – журналист, редактор, модераторга е-почта орқали хат жўнатиш, электрон обуна шакли ва бошқа шу каби алоқа ўрнатиш турлари;
- *Many to one* – Интернет фойдаланувчиларининг веб-нашрга интервьюга чақирилган шахсга ёки модераторга мурожаат қилиши, сўровномаларда овоз бериш каби ҳаракатлар;
- *Many to many* – форумлар, изоҳ қолдириш имкониятлари каби интерактив имкониятларда амалга ошириладиган коммуникатив ҳаракатлар.

11

Тадқиқот натижаларига кўра, кўпгина веб-ресурслар ўқувчилар билан комментарийлар кўринишида мулоқот ўрнатиш билан кифояланади. Сўнгги

¹⁰ Daniel Black, Stephen Epstein and Alison Tokita. Media Flows, Soft Power and East Asia. Monash University. 2010. (1-боб)

¹¹ PaulN., Fiebich C. The Elements of Digital Storytelling. – www.inms.imn.edu/Elements/index.php

вақтларда овоз бериш, сўровнома, анкета каби усуллар тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бироқ миллий on-line медиаларда on-line интервью ва on-line конференцияларнинг имкониятларига бўлган талаб пастлигича қолмоқда. Бунинг бир неча сабаби ажратилади:

- биринчидан, Интернет-нашр таҳририятлари бу имкониятларга етарли баҳо бермайди;
- иккинчидан, ўқувчилар билан on-line мулоқотга киришишга аудиториянинг бироз пассивлиги халақит қиласди.

Умуман олганда веб-нашрларда икки ҳолат кузатилади:

- 1 – ўқувчини фаол диалогга чорловчи материаллар,
- 2 – босма нашр талаблари асосида ёзилган самарали интерактив элементлардан фойдаланилмаган мақолалар.

Афсуски, иккинчи кўринишдаги материаллар қўпчиликни ташкил этади, биринчи турдаги мақолалар нисбатан камроқ бўлсада, ўқувчилар эътиборини тортган ахборот борасидаги мулоҳазалар турлича:

- жуда сиқик, баъзан фақат биргина ижобий жумла билан чегараланади,
- кенг ҳажмли аммо ҳиссиётлардан, қўп ҳолларда эътиroz тарзидаги мулоҳазалар,
- мавзуни ривожлантирувчи, қўшимча факт ва мисолларни ифодаловчи изоҳлар,
- мақола мавзуси эмас, балки уни тақдим этиш усулига нисбатан муносабатни ифодаловчи фикрлар,

Қайта алоқа усули бўлмиш изоҳлаш, айрим жойларда ўзининг асл вазифаларини бажармай, ўзаро мулоқот майдончасига айланиб қолади. Шу боис интерактив сервис мақсадида публикациялар тайёрлаш жараёнида, шунингдек, ўқувчилар билан on-line режимда интерфаол мулоқотни жорий этиш ва олиб бориш жараёнида модераторлик касбий кўникмаси долзарблик касб этади.¹² Бунда модератор аудиторияни қизиқтирувчи контентни аниқлай олиши, ўз матнида ўқувчини мулоҳазага йўналтира билиши, бошланган виртуал мулоқотни жараёнини мувофиқлаштирувчиси бўла олиши даркор.

Зоро, веб-аудитория бугун ўзининг “горизонтал”, аралаш, мобил ишлаш тарзини аудиториянинг ўзини тутишида хам акс этмоқда. Янгиликларни инфотеймент ва эдютеймент шаклига ўгираётган келажак ОАВси учун аудитория ҳам виртуал ўйинга киришкандек фаолият юритади.¹³

Назорат саволлар:

1. Интернет аудиториясининг ўзига хос хусусиятлари?

¹² Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001. Б. 16

¹³ Herlander Elias. Post-Web. The Continuous Geography of Digital Media. Б.80.

2. Интернетда коммуникация кўринишлари?
3. Интернет коммуникатив хусусиятлари?
4. Аудитория билан қайта алоқа воситалари ва журналистнинг янги роллари?

Адабиётлар рўйхати:

1. Daniel Black, Stephen Epstein and Alison Tokita. Media Flows, Soft Power and East Asia. Monash University. 2010. (1-боб)
2. Herlander Elias. Post-Web. The Continuous Geography of Digital Media. Formal Press Publishing House. Portugal. 2012. Б. 80-88.
3. Paul N., Fiebich C. The Elements of Digital Storytelling. – www.inms.imn.edu/Elements/index.php
4. Blink Survey of TV and Online Video Habits Reveals Surprising User Behavior». 2008. 28 Febr
5. Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001.
6. Қурдатхўжаев Ш.Т. Интернетда ва ахборот. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2012 йил.

3-мавзу: ТАРМОҚДАГИ ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИГА ДОИР ФУТУРОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯЛАР МАЗМУНИ ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ.

РЕЖА:

- 3.1. Тармоқ коммуникациялари тараққиётидаги замонавий тенденциялар, ахборот жамиятига футурологлар ёндашуви.**
- 3.2. Тармоқ коммуникацияларининг жамият ривожланишига таъсири концепциялари.**
- 3.3. Он-лайн мұхиттің конвергент журналистика ҳақида билимларга эга бўлиши.**

Таянч иборалар: ахборот жамияти, постиндустриал жамият, конвергенция.

3.1. Тармоқ коммуникациялари тараққиётидаги замонавий тенденциялар, ахборот жамиятига футурологлар ёндашуви.

Жамиятнинг замонавий ҳолати, ахборотнинг унда тутган ўрни, шунингдек, ахборот-коммуникацион технологияларнинг аҳамияти XX асрнинг иккинчи ярмида футурологлар томонидан биринчилардан бўлиб ўрганилди. Улар орасида Маршалл Маклюен (Канада), Дэниел Бэлл ва Элвин Тоффлер (АҚШ)¹⁴ кабилар бор эди. Ахборотлашган жамиятда оммавий коммуникация воситаларининг ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, М. Маклюен бунда масс-медиа (ОАВ) нинг ролини кучайтириш ғоясини илгари суради. Унинг ёндашуви шуниси билан ўзига хосдирки, бунда тадқиқотчи ахборот технологияларига, “глобал қишлоқ” дея тавсифланган янги жамиятнинг ижтимоий иқтисодий асослари шаклланишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида қарайди. Мазкур жамиятда эса телекоммуникация ва компьютер тармоқлари ижтимоий қатламлар ҳамда жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатни таъминловчи ўзига хос асаб тизимиға қиёсланади. Ҳозирги кунда Маклюен илгари сурган ғоя ҳаётда ўз тасдигини топган. Зеро, АҚТ тараққиётининг энг мухим натижаларидан бири бўлган Интернет глобал тармоғининг ишлаш тизимини айнан шундай тавсифлаш мумкин.

Ўз навбатида, Э. Тоффлер “Учинчи тўлқин”¹⁵ асарида цивилизация тарихида кишилик жамиятининг тўлиқ эволюциясини ўзида ифодаловчи уч босқични ажратиб кўрсатади. Янги технологияларнинг муттасил тараққиёти ахборотнинг иқтисодий кадрият даражасига кўтарилишига олиб келди.

¹⁴ Тоффлер Э. Третья волна. - М.: ООО "Издательство АСТ", 1999. – Б. 9.

¹⁵ Тоффлер Э. Третья волна. - М.: ООО "Издательство АСТ", 1999. – Б. 9-15.

Замонавий дунё бир неча бор “Ахборот эгаси – дунё хожаси” таъкидининг накадар тўғри эканлигини исботлади. Инсон ҳаёт фаолиятида ахборотнинг аҳамияти ортиши туфайли бугунги ижтимоий тузилма “ахборот жамияти” дея аталиб, унда ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар эса ахборот ва билим саналади.

Эски жамият ўрнида янги жамиятнинг пайдо бўлиши хакида шаклланган позицияларни ва назариётчи олимларни бир томонга ажратиб таъкидлашимиз мумкинки, улар орасида қўйидагиларни кўриш мумкин.¹⁶

- пост-индустриализм ғояси (Дэниел Белл ва унинг давомчилари)
 - постмодернизм (Жан Бодрийяр, Марк Постер, Вирильо)
 - эгилувчан ихтисослашув (масалан, Майкл Piore и Чарльз Сабель, Ларри Hirschhorn)
 - тараққиётнинг ахборий ривожланиш режими (Мануэль Кастельс)
- Иккинчи томонда эса узлуксизлик тарафдорлари:¹⁷
- неомарксизм (масалан, Герберт Шиллер)
 - назорат назарияси (масалан, Мишель Aglietta, Ален Lipietz)
 - юмшоқ жамлов (David Harvey)
 - рефлексив модернизация (Энтони Гидденс)
 - ижтимоий соҳа (Юрген Хабермас, Николас Garnham)

Аммо уларнинг хеч бири, ахборотнинг мазкур жараёнларда асосий ва хал қилувчи роль ўйнашини инкор этмайди.

3.2. Тармок коммуникацияларининг жамият ривожланишига таъсири концепциялари.

Ахборот жамияти ғоясида ахборот ўйнайдиган асосий ролга диққатни қаратиш мазкур жараёнда оммавий ахборот воситалари тутган ўриннинг янгича моҳиятини кашф этиш демакдир. Шу боис, ОАВ доимо бу борада олиб борилган ҳар бир тадқиқотнинг диққат марказида. Бироқ уларнинг ижтимоий тақсимотга таъсири даражаси ва шакли хусусидаги қарашлар ўзаро фарқланади. Ахборот жамияти ҳақидаги мавжуд назарияларни баҳолаш ва ўрганиш билан шуғулланувчи инглиз олими Ф. Уэбстер бугунги жамиятга ахборотга тўйинган муҳит сифатида тавсиф беради. У ўз нуқтайи назарини қўйидагича ифодалайди: “... Биз медиатўйинган жамиятда яшаяпмиз... янги ахборот воситалари бизни қуршаб олмоқда. Улар тақдим этаётган “хабар”ларга жавоб бериш ёки бермаслигимиз мумкин. Аслида эса барчамиз ахборот муҳитига ўйлаганимиздан-да қўпроқ боғланганимиз, у аллақачон бизнинг бир бўлагимизга айланган”.¹⁸

Ахборот жамиятида ахборот биринчи ўринга қўтарилиши билан, ахборот соҳасида, хусусан таҳририятларнинг телекоммуникацион ташкилотлар билан ўзаро хамкорлиги ўрнатилиши натижасида медиа соҳасида янгича ендашувлар, ахборотни етказишнинг янги усуллари ва йўллари ишлаб чиқилиши, шунингдек, конвергентлик жараёни юзага келади,

¹⁶ Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006. - Б. 7.

¹⁷ Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006. - Б. 8.

¹⁸ Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006. - Б. 28.

деб таъкидлайди олимлар.¹⁹ Бу борада тармоқларнинг яхамияти ортиб, икки соҳа хамкорлигига медиа тармоқлар ташкил этилади.

Ахборот даврининг машҳур таҳлилчиси М. Кастельс, тармоқларнинг аҳамиятига эътибор қаратар экан, айнан улар жамиятдаги туб ўзгаришлар сабабчиси саналишини ва тармоқ тузилмалари бир вақтнинг ўзида жамият глобаллашуvinинг ҳам воситаси, ҳам натижаси ҳисобланишини таъкидлайди. Диққатини Интернетга йўналтирган тадқиқотчи уни “ахборот даврининг бош технологияси”²⁰ деб атайди. Тармоқларнинг ОАВга таъсири борасида олимнинг ишларида мультимедияни шакллантириш ҳамда конвергенция каби ўзгаришлар ажратиб кўрсатилади. Шунингдек, оммавий коммуникациялар моҳиятини ўзгартириб юборувчи яна икки жараён – интерфаоллик ва индивидуаллашувга ҳам алоҳида урғу берилади. Кастельснинг фикрича, бирор воситани танлаш орқали инсон унинг контенти (муҳити)ни шакллантиради ва оммавий эмас, балки индивидуаллашган ахборотни қабул қиласи. Мазкур ёндашув М. Маклюеннинг “восита хабар демакдир” концепциясини ривожлантиради. Ҳар икки олим янги коммуникацион технологиялар таъсири ОАВнинг замонавий жамиятда ортиб бораётган аҳамиятининг ҳал қилувчи омили эканлигини амалий мисоллар асосида исботлаб беришади.

Гарчи ёндашувларда фарқ бўлса-да, тадқиқотчилар замонавий маданият илгаригиларига нисбатан анча информатив характерга эга, деган фикрни яқдиллик билан маъқуллайдилар. Уларнинг аксарияти бу – янги информацион тартиби шакллантиришда ижтимоий соҳани қайта қуриш жараёнига масс-медианинг ахборий таъсирини чуқурроқ ўрганиш заруратига ишорадир, деб ҳисоблайди.

Футуролог олимларнинг фикрлашича, ахборот жамияти тушунчасини таҳлил этканда уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб беш хил ёндашувни ажратиш мумкин:²¹

1. Технологик – мазкур йўналишдаги концепциялар марказида 1970 йиллардан бошлаб пайдо бўлган янги инновацион технологияларнинг жамият тизимига таъсири ва ахборот жамиятининг асоси деган фикр етади. Бу каби технологияларга биз компьютер, кабелли, йўлдошли ва рақамли ТВ, шахсий компьютерларни, янги офис технологияларини, шу жумладан, Интернетни киритишимиз мумкин. Айнан мазкур технологиялар таъсирида замонавий жамият тизими ўзгараётгани таъкидланади.

2. Иқтисодий – ушбу ёндашувда ахборий фаолиятнинг иқтисодий қиймати ортаётгани таъкидланади. Агар инсон ЯИМ ни информацион бизнес орқали кўтариш имконига эга экан демак, ахборотга асосланган иқтисодиёт хақида таъкидлашимиз мумкин. Бунда сўзсиз, иқтисоднинг катта қисмини ахборот фаолияти эгаллайди, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳалари

¹⁹ Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001. Б. 221

²⁰ Castells M. The Internet Galaxy. Reflections on the Internet, Business, and Society. – London. Oxford University Press, 2004. - Б. 8.

²¹ Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006. - Б. 9.

эса, ахборотга асосланган модель бўйича ривожланади. Демак, бу хам ахборот жамияти борасида фикр юритишга замин яратади.

3. Профессионал – ендашув социологларга яқин бўлиб, унинг таълимотчиларидан бўлмиш Д.Белл «постиндустриал жамият» (атама «ахборот жамияти» тушунчасига синоним сифатида кўлланилади). Ушбу ендашувда ахборот жамиятининг қўрсаткичи сифатида ахборот соҳасида фаолият юритаётган ишчилар сони ортгани билан белгиланиши таъкидланади. Кўл эмас ақл меҳнатига асосланган технологиялар учун ақлий меҳнат билан машғул мутахассилар зарурати мавжуд. Айнан шу соҳада ишловчилар сонининг ортиши бугун ахборот жамиятининг элементи дейиш мумкин. Бунга мисол сифатида Фарбий европа, Япония и Шимолий Америкада 70 фоиздан ортиқ ахолининг сервис соҳасида ишлаётани хам исбот бўла олади.

4. Жой ва макон талқинидаги ёндашув – социологик ва иқтисодий концепциялардан фарқли ўлароқ жўғрофий худуд ҳамда макон чегараларининг бузилишини илгари суради. Бу ерда асосий эътибор вақт ва макон тизимини ўзгартириб юборган тармоқларнинг жадал ривожланишига қаратилади. Бунда ахборий тармоқар ижтимоий тизмининг бир қисмига айланганини ва улар марказда турган холда регионлар, шахарлар, минтақалар, умуман олганда бутун дунёни бирлаштириб, жамиятнинг ахборий жамиятини баопо этгани таъкидланади.

5. Маданий – яна бир муҳим тарқинлардан бўлиб, унда жамият кундалик ҳаётидаги ахборот қамровининг ортганини кузатиш мумкин. Бугун ахборот жуда катта қамровга ва таъсирга эга бўлмоқда. XX асрда биз ТВ таъсири борасида алоҳида гапириб, унинг ахборот жамияти сари бир қадам деган бўлсак, бугун атрофимиздаги ахборий таъзийқ бизнинг ахборот жамиятида яшаётганимизни исбот этмоқда.²²

3.3. Он-лайн мухитда конвергент журналистика ҳақида билимларга эга бўлиши.

Интернетни оммавий ахборот воситасининг таҳлили бугун ОАВ тўқнаш келаётган ва умуман, замонавий журналистика мазмунига таъсир кўрсатаётган ўзгаришларни теранроқ англаш имконини беради. Жумладан, маҳаллий тадқиқотларда ахборот технологиялар имкониятлари Ўзбекистон анъанавий матбуотида сифат ўзгаришларини таъминлаганлиги эътироф этилади.²³ Шубҳасиз, одатий масс-медиа тизимида веб-технологиялардан фойдаланиш ахборот узатиш ва тарқатишнинг қўшимча имкониятларини тақдим этади ва пировардида, оммавий информацион таъсир кўрсатишнинг янги шакл ва усусларини яратади. Баъзи тадқиқотчилар ахборот етказишнинг янги воситаси анъанавий ОАВга қайта туғилиш имконини беради.²⁴ Муаллиф

²² Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006. - Б. 9.

²³ Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг қасб одоби муаммолари: назарий-методологик тахлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – С. 73.

²⁴ Муҳаммажонова Ф. Интернет: хабарлар рақобатининг қизгин нуқтаси. // Интернет журналистика. Сб. научных статей. – Т.: MRCTашкент, 2005. - С.52.

буни оммавий аудитория учун одатий саналган медиалар Интернетга кўпроқ ахборот манбай сифатида қараши ва бунинг натижасида уларнинг мазмун-мундарижаси сезиларли даражада бойиётганлиги билан асослайди. Бошқа олимлар эса “технологик имкониятлар тармоқни тўлақонли ва истиқболли, бироқ қай бир даражада муқобил анъанавий ОАВга айлантиради”²⁵, деб ҳисоблашади.

Бошқа бир олим, бу борада тухталиб, медиа, телекоммуникация ҳамда ахборот агентликлари фаолиятидаги конвергентлик холати глобализация натижаларидан бири бўлиб, янги муҳитда иқтисодий муҳитдаги ҳал қилувчи жараён бўлишини таъкидлайди.²⁶

Юқорида берилган йўналиш ва ёндашувлар асосида ахборот жамияти ва билимларга асосланган иқтисодиёт талқини ҳам мавжуд. Интернет шароитида эса, айниқса, билим олишнинг турли имкониятлари ва мультимедиа воиталари ортгани кузатилади. Бу борада интернет фойдаланувчиларида ҳам билим олишга оид жараёнда енгиллик ва кўп имкониятлар яратилади. Ва бу борада конвергент журналистика имкониятлари ривожланиб, журналистиканинг он лайн фаолиятида конвергенцияга мойиллик сезилади.²⁷

Назорат саволлар:

1. Жамият ривожига оид футурологик концепцияларни сананг?
2. Жамият ривожига оид футурологик ёндашувлар бўйича етакчи олимлар ва уларнинг қарашлари нимадан иборат?
3. Ф.Уэбстер ахборот жамияти тушунчасини тахлил этканда моҳиятидан келиб чиқиб футуролог олимларнинг неча хил ёндашувини ажратади?
4. Футуролог олимларнинг ахборот жамиятиянинг технологик ва иқтисодий талқини ўзида нималарни акс эттиради?
5. Футуролог олимларнинг ахборот жамиятиянинг маданий талқини ўзида нималарни акс эттиради?

Адабиётлар рўйхати:

1. Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006
2. Castells M. The Internet Galaxy. Reflections on the Internet, Business, and Society. – London. Oxford University Press, 2004.
3. Тоффлер Э. Третья волна. - М.: ООО "Издательство ACT", 2002.
4. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005.
5. Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001.

²⁵ Рашидова Д. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. - Т.: Zar-Qalam, 2003. - С.31.

²⁶ Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001. Б. 222

²⁷ Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. (Р. 147-148)

4-мавзу: ПОСТМОДЕРНИЗМ ДАВРИДА СЕМИОТИКА ВА ОНЛАЙН МЕДИАЛАР.

РЕЖА:

- 4.1. Онлайн медиада символ ва белгилар.*
- 4.2. Он-лайн ОКВ учун материал тайёрлашнинг янги услугуб ва методикалари.*

Таянч иборалар: семиотика, мультимедиа, медиаплатформалар, визуализация.

4.1. Онлайн медиада символ ва белгилар.

Семиотика – белги ва рамзлар ҳақидаги фан бўлиб, лингвистик атамаларнинг кенгайтирилган мазмунини изоҳловчи илмий йўналиш сифатида ҳам таъриф этилади. Шунингдек, семиотика - белгиларнинг тузилиши ва амалий таъсирини ўрганувчи илм хисобланади. Алоҳида йўналиш сифатида семиотика XX асрнинг охирларида ривожлана бошлаган. Францияда 1969 йилда Халқаро семиотик тадқиқотлар ташкилоти (IASS) тузилган.²⁸ Бугунги кунда халқаро миқёсда бир қанча илмий журналлар шу йўналишга қаратилган: “Ars Semiotica. International Journal of American Semiotics”, Philadelphia; “Semiotic Scene. Bulletin of the Semiotic Society of America”, Medford; “The American Journal of Semiotics”, Bloomington ; “Semiotica. Journal of the International Association for Semiotic Studies”, Bloomington. Европада эса “Semiotics and Mentalities. European Journal for Semiotic Studies”, Wien – Barselona – Budapest – Perpignan мавжуд бўлиб, бу каби илмий нашрлар Канада, Бразилия, Эстония, Италия, Испания, Германия, Австрия, Норвегия ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

Семиотика илмининг асоссилари сифатида Ч.С.Пирс, Ф. де Соссюр и Ч.Моррис каби олимларни таъкидлаш мумкин.²⁹

Езма нутқда, визуал матнларда семиотик тахлил ва ендашув катта аҳамиятга эга бўлиб, бундай тахлил қўлланилган ифода материалларнинг асл мазмуни, инсонга таъсири нуқтаи назаридан шакллантираётган мазмунига кўра фарқланади. Семиотик нуқтаи назардан қуйидагиларни фарқлаш мумкин:

²⁸ Paul Cobley. Semiotics. Routledge. 2010 Б. 9.

²⁹ Paul Cobley. Semiotics. Routledge. 2010 Б. 9.

- 1) тасвир
- 2) рамзлар
- 3) белгилар

Ушбу белгиларнинг таҳлилини 3 усулда амалга ошириш мумкин:

- 1) семантика
- 2) синтаксика
- 3) прагматика.³⁰

Интернет муҳитида семиотиканинг аҳамияти ўта долзарб бўлиб, бугун визуаллашаётган ахборот алмашинуви жараёнида белгилар, рамз ва тасвир ахборотнинг мазмунининг асосий ахборот юкини олувчи, айрим холларда ёрдамчи, баъзида эса кўшимча ахборот сифатида хизмат қиласди. Интернет орқали мулоқотда ҳам айнан рамзий мулоқотнинг ўта оммалашгани бугун нафақат инсонлар аро, балки техника ва инсон ўртасидаги, турли медиа воситалар ва инсонлар ўртасидаги коммуникация жараёнида фаоллашгани боис мазкур фаннинг аҳамиятини ортади. Албатта илмий изланишлар борасида локал даражада семиотик таҳлиллар кам амалга оширилган, аммо бу йўналишнинг нафақат ҳалқаро миқёсда, балки маҳаллий шароит нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти катта.

4.2. Он-лайн ОҚВ учун материал тайёрлашнинг янги услуб ва методикалари.

Ахборотни турли форматларини ишлаб чиқаришни анча илгари ўрганишган. Улар бизга яхши таниш – фотография, карикатура, тасвир, матн, видео, аудиотасма, анимация ва бошқалар. Узоқ вақт давомида бу элементларнинг уйғунлиги ташувчиларнинг тури билан чегараланганди. Яъни газета матн ва расмдан, телевидение – матн, тасвир ва овоздан, радио эса овоздан иборат ахборот билан таъминлаган. Универсал платформа – Интернет ва онлайн муҳитнинг пайдо бўлиши билан барча элемент (формат)ларнинг бир жойда боғланиш имконияти пайдо бўлди.

Замонавий информацион муҳитда янги ОАВ анъанавий ахборот узатиш воситалари функцияларини ўзлаштирумокда. Коммуникация воситалари ўртасида юз бераётган “рол алмашиниш” жараёни натижасида бир хил мазмундаги ахборот билан аудитория истагига кўра турли каналлар орқали танишиш имконияти пайдо бўлди. Бир нечта ахборот узатиш воситаларидан параллел фойдаланиш миллий ОАВнинг ҳам яққол ифода топган жиҳатига айланмокда.

Интернетда матнни видео, аудио ва фото материаллар билан

³⁰ Daniel Chandler. Semiotics the basics. Second edition. Routledge, 2002. Б.3-4

уйғунлаштириш имконияти кенг күлланилмоқда ва натижажа унинг функцияси ўзгармоқда. Бугун жаҳон тажрибасида инфографика, мультискрипт, слайд-шоу, аудио слайд-шоу сингари информацион материални тақдим этишнинг буткул янги мультимедиа усублари кенг күлланилмоқда. Мазкур шаклларда ҳодиса нафақат қатор матбуот жанрларини бирлаштирган ҳолда, балки телевизион, радио, матбуот, Интернет-журналистика жанрларини яхлитлаб ёритишга имкон береб, уларни күллаш натижасида ахборот ишлаб чиқариш жараёнида ва етказиш воситаларида қатор кутилмаган янгиланишлар юзага келди.³¹

Журналистлар бу жараёнда турли форматларда нафақат ишлашни, балки концептуал ижодига ёндашувни ҳамда кўп форматли ўйлашни ўрганиши керак. Агар олдинги жараёнда матбуотчилар босма сўз орқали ифода усулларини ўрганишга, оғзақи нутқ орқали радиожурналистикани яхши эгаллашга, ҳамда тасвирга кўчган фикрлар орқали телерепортажларни тайёрлаган бўлса, бугун улар тамоман бошқа шароит ва бошқа ендашувда ижод қилиши даркор. Аввалги материалларни шаклан “чизиқ”ли деб аташ мумкин, хусусан, бунда журналистик материалнинг бошланиши, ўртаси ва якуни мавжуд. Бундан ташқари, ахборот бир томонлама харакатда бўлиб, медиа воситалар орқали аудиторига узатилади.

Аммо кўп форматли журналистик ижодда чизиқли бўлмаган холатни, интерактивлик учун очиқликни кузатишимиз мумкин. Минессотта Университети профессори, Нора Паул (Nora Paul) мультимедиавийлик янгилик эмас, буни телевизион журналистикада хам кузатиш мумкин деган фикрни илари суради.³² Аммо замонавий мультиформатли журналистик ижодда кайси жойда телевизион журналистика тугаб, қаердан онлайн журналистика бошланади, еки босма нашрларнинг онлайн форматдаги фаолияти ўртасидаги чегарани кузатиш жуда мушкул. Бугунги кунда мультимедиавий жанрлар бизда нисбатан камроқ қўлланилади ва саноқли медиатузилмаларгина мультимедиавийликнинг тўлиқ комплексини ўзида мужассам этмоқда.

ОАВда «мультимедиавийлик» деганда, маълумотларни турли медиа платформаларда – матн, фотосурат, аудио-, видео-, графика, анимация ва бошқа шакллар уйғулигига тақдим этиш имконияти тушунилади.³³

Россиянинг РИА “Новости” агентлигига мультимедиавий ҳикояларни ишлаб чиқариш атомлар харакатига таққосланган. Масалан, бир фотосурат шартли равишда “инфоатом” деб қабул қилинган. У мустақил элемент

³¹ Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. Б. 147-148.

³² Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. Б. 153-154.

³³ Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. Б. 160-163.

бўлиши ҳамда кўп маълумот бериши мумкин. Слайд-шоу учун йифилган 3 ёки 5 та фотосурат “инфомолекула”ни ташкил қиласи. Слайд-шоу “инфомолекула”сини матн “инфомолекула” ва график “инфомолекула”си билан боғланса мультимедиявий материалнинг танаси ҳосил бўлади. Мультимедиявий элементлар ахборотнинг таъсирчанлигини оширади ҳамда унинг яхшироқ қабул қилинишига ва тушунилишига ёрдам беради.³⁴

Тадқиқотчилар янги медианинг қўйидаги жанрларини ажратиб кўрсатадилар: матнли, мультимедиявий ва синтетик жанрлар. Матнли жанрларга анъанавий бўлган жанр (янгилик, очерк, колонка ва ҳ.к.)лар билан бирга янги жанрлар – матнли трансляция, ижтимоий тўрлардаги статуслар киради. Синтетик жанр бир нечта элементлар – матн, иллюстрация, овоз, интерактивликни ўзида жамлайди. Мультимедиявий жанрларга иллюстрацияли жанрлар, аудиал жанрлар, видеожанрлар киради.³⁵

Иллюстрациявий жанрларга

- статик иллюстрация
- фотолента, фоторепортаж
- слайд-шоу
- графика/тасвир/карикатура
- инфографика (воқеанинг тўлиқ тасвирини қайта тиклаш, бир неча қатлами материяллар, жанрларнинг бирлаштирилши, 3D)

Аудиал жанрлар

- подкаст овозли файл, кўрсатув, тугатилган сюжет. Алоҳида файлни ёки доимий равишда янгиланувчи бундай файллар сериясини подкаст деб атайдилар.

- аудиоиллюстрация - матннинг маълум қисмига тегишли бўлган аудиотасманинг жуда қисқа фрагменти. Масалан, автомобил моторининг овози, митингдаги оломон қийқириғи, ёнгин вақтидаги олов овози.
- матннинг аудиоверсияси (хабар матнининг савияси)
- аудиосюжет (унча катта бўлмаган ташкиллаштирилган форматнинг аудиотасмаси) киради.

Видеожанрлар

- Видеоиллюстрация, одатда, 3 дақиқадан 30 дақиқагача давом этиб, матннинг ёки мультимедиявий мақоланинг маълум қисмига тегишли бўлиб, тугалланган сюжетга эга эмас. Бундай ролик тугалланган объект бўлмай, контекстга муҳтож. ОАВда оммавийлашиб бораётган видео тури.
- Видеосюжет (тугалланган видеохабар. Унинг оптималь давомийлиги 60

³⁴Лосева Н. Новые медиа как продукт. Презентация // Всероссийский семинар по мультимедийной журналистике, г. Пермь, 2014.

³⁵Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные / под ред. А.Г.Качкаевой. – М.:, 2010. – С. 131

дақиқадан 100 дақиқагача. Бошқа мультимедиявий элементларни ўз ичига олиши, контекстсиз мавжуд бўлиши мумкин.

- Видеотрансляция (вокеа жойидан оқимли видео) - сюжет учун асосий иллюстрация ёки қўшимча сурат хизматини ўтовчи, ё маҳсус бўлимда мустақил мавжуд бўлган онлайн трансляция. Видеотрансляция бир ёки бир нечта журналист томонидан турли жлйлардан олиб борилиши мумкин.

- видеокўприк (жонли эфирда ньюсмейкер билан интервью)

- интерактив видео – бундай видео танасига бошқа мультимедиявий элементларга ссылкалар ўрнатилади. Улар маълум вазиятларда очилиб, видео, фотография, инфографикаларга ўтишни таклиф қиласди. Бу элементлар параллел ойналар ҳамда асосий ойнада асосий оқимни тўхтатиб ёки тўхтатмай очилиши мумкин.

Синтетик жанрлар:

- товушли слайд-шоу (аудиослайд-шоу)

- мультимедиявий ток-шоу (интерактивлик, фойдаланувчилар аудиторияси, кўпэкранлилик)

- мультискрипт (катта ҳажмдаги ахборот билан ишлашни осонлаштирувчи ахборот узатишнинг янги тури)

- ахборий ўйинлар

- интерактив тасвир

- интерактив видеосюжет (сюжет танасига бошқа материалларга ссылка жойлаштирилади)

- интерактив харита\ чизма

Афсуски юқорида санаб ўтилган жанрлардан қўпчилиги бизда амалда қўлланилмайди, қўлланилган тақдирда ҳам кенг ёйилмаган. Миллий веб-сайтларимиз фотосуратлардан фойдаланиш билан чекланадилар.

Мультимедианинг ҳар бир жанрига турли онлайн ва оффлайн интрументлар тўғри келади. Улар журналистларга мультимедиявий элементлар иштирок этган репортаж, мақола ёки эслатма тайёрлашда катта ёрдам беради.³⁶

Журналистиканинг классик жанрларидан ташқари Интернетда ўзига хос мультимедиявий ва синтетик жанрли репортаж, комментарий, қайдлар ва бошқалар учраб туради. Уларга фотолента (фоторепортаж, фотогалерея)лар, слайд-шоу, подкаст, аудиоиллюстрация, видеоиллюстрация, аудиослайдшоу, интерактив видеоколонка, интерактив видеомост, мультимедиявий ток-шоу, мильтискрипт, инфографика, ахборий ўйинлар ва бошқалар киради.

Баъзи “янги” жанрларни ўзининг асл маъносига эга “жанр” деб аташ

³⁶ Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные / под ред. А.Г.Качкаевой. – М.:, 2010. – С. 131

ҳам қийин. Аслида “жанр”лар эмас, балки контентни ташкил этишнинг алоҳида усули, катта ахборотли ресурсларнинг максимал кўргазмалилигини таъминлаш, ахборотни тушунишни осонлаштириш мақсадида яратилган контент шакли ҳақида гап бориши керак. Масалан, мультискрипт – янги технология, катта ҳажмдаги видеотасмалар бўйича навигацияни енгиллаштирувчи, материални тақдим этишнинг янги форматидир.

Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиrsa, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиявий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга ошиrsa бўлади:

- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;
- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;
- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш орқали.

Мультискриптдаги барча блоклар синхронлаштирилган. Видеотасманинг бирор бир фрагментини кўриш мобайнида қолган икки блокда стенограмма фрагменти ва матнли блокнинг сарлавҳаси кўрсатилади. Ушбу шаклда тайёрланган материалларни нафақат миллий сайтларимизда, балки чет эл сайтларида ҳам кам учратамиз.

Фотошарҳ ва фотогалерея – фотошарҳ Интернетда ҳам классик қоидалар бўйича тузилади, воқеалар изчил ёритиб берилади, аммо у босма эмас on-line тартибда узатишга мўлжалланган. Фотогалереянинг кенг тарқалган вариантлари “Кун фотоси” ёки “Хафта фотоси”ни танлашdir.

Инфографика – бу мазмундор тасвир бўлиб, у маълумотни визуаллаштиришнинг замонавий ва оммабоп усулидир. Инфографиканинг асосий мақсади – тушуниш ва англаш мураккаб бўлган ҳодиса, маълумотларни оддий ҳамда қабул қилиш жараёнини осон, тушунарли бўлишини таъминлашdir.

Шунингдек, бу формат орқали зерикарли ёки катта ҳажмга эга бўлган статистика ва рақамлардан иборат маълумотларни тасвир ва кичик изоҳлар билан барчага тушунарли ҳолатга келтириш мумкин. Инфографика турли шаклларда тайёрланиши мумкин: матрицалар, хариталар, иллюстрациялар, графиклар ва диаграммалар шаклида.³⁷

³⁷M.Smikiklas. Infografika. USA. Indiana, Indianapolis: 2014. P. 23-25

Назорат саволлар:

1. Мультимедиа нима ва у замонавий ОАвда қандай намоён бўлади?
2. Визуаллизация таъсирида ОАВ да кечаётган ўзгаришлар?
3. Янги медиаформатларнинг видео билан боғлиқ шаклларига мисол келтиринг.
4. Янги медиаформатларнинг фото хосиласида ривожланган янги турларига нималар киради.

Адабиётлар:

1. Paul Cobley. Semiotics. Routledge. 2010.
2. Daniel Chandler. Semiotics for Beginners. Routledge, 2002.
3. M.Smikiklas. Infografika. USA. Indiana, Indianapolis: 2014. P. 23-25
4. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. (P. 147-163)
5. Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001.
6. Муратова Н.Ф. Интернет журналистика Узбекистана: функционирование он-лайн СМИ в условиях глобального информационного рынка". Монография. Германия, Lab Academic Publishing. 2013.
7. Лосева Н. Новые медиа как продукт. Презентация // Всероссийский семинар по мультимедийной журналистике, г. Пермь, 2014.
8. Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные / под ред. А.Г.Качкаевой. – М.:, 2010. – С. 131

5-мавзу: ИЖТИМОЙ МЕДИАЛАР – ЖУРНАЛИСТИКА ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШ. ОН-ЛАЙН МУҲИТДАГИ КОНВЕРГЕНТ ЖУРНАЛИСТИКА.

РЕЖА:

- 5.1. Ижтимоий тармоқлар таъсирида журналистик фаолият юритиши.**
- 5.2. Веб 1.0 ва Веб 2.0. шароитида журналистик фаолият.**
- 5.3. Веб-муҳитдаги конвергент ва мультимедиа журналистика.**

Таянч иборалар: ижтимоий тармоқлар, конвергент таҳририят, мультимедиа журналистика.

5.1. Ижтимоий тармоқлар таъсирида журналистик фаолият юритиши.

Интернет-ОАВ журналистик фаолиятнинг алоҳида мустақил тури сифатида эътироф этилишида унинг техник ва технологик имкониятлари асосли сабаб бўла олади. Тадқиқотчилар, уларни ўрганар экан, “... унга ОАВ мақомини берувчи сифатлар глобаллик, интерактивлик, мультимедиавийлик ва гиперматнлилик бўлиб, булар ўз навбатида, нафақат ахборот ресурслари мазмунига, балки ахборотни тайёрлаш, қайта ишилаш, сақлаш ва марқатиши жараёнларига ҳам таъсир кўрсатади”³⁸, дея таъкидлайдилар. Табиийки, тармоқнинг мультимедиавий, интерфаол ва гиперматнлилиги информацион мазмун-мундарижани ташкил этишда ўзига хос, профессионал ёндашувни талаб қиласди. Зоро, бунда мантиқ, давомийлик ва технология анъанавий - босма, телевидение ҳамда радио-маҳсулотлардагидан кескин фарқ қиласди. Буларнинг бари юқорида келтирилган имкониятлар, шунингдек, унга ОАВ мақомини берувчи тузилмавий ва ташкилий ўзига хосликларни ҳисобга олувчи муайян ихтисослашувни назарда тутади.

Мазкур хусусиятлар хорижлик олимлар томонидан ҳам эътироф этилади ва Интернет-ОАВнинг медиа тизимнинг алоҳида қисми сифатида гиперматн, мультимедиавийлик, интерфаоллик каби ўзига хосликлари уни матбуот, радио ва телевидение қаторида медианинг тўртинчи тури дея аташ имконини беради,³⁹ деб таъкидланади.

Бунинг барчаси, ўз навбатида журналистик ижодга таъсир этиб, касб

³⁸ Jennifer alejandro. Journalism in the age of social media. Hilary and Trinity Terms. 2010. Б. 5

³⁹ Интернет-СМИ: Теория и практика. Учеб. пособие. / Под общ. ред. М.М.Лукиной. – М.: Аспект Пресс, 2010. - С. 80

маҳорати жиҳатидан Интернет ОАВнинг юқорида таъкидланган ўзига хос сифатлари журналистларга қуидаги имкониятларни беради:

- Ахборот тарқатиш ва қабул қилишда симсиз алоқа воситаларидан фойдаланиш;
- Анъанавий ОАВ дан фарқли равишда ахборот ҳажми ва хилмачиллигини ошириш;
- Хабарларни график белгилар, таҳлилий диаграммалар, қиёсий графиклар орқали бойитиб бериш;
- Аудитория билан ишлашда мулоқотнинг хилма-хил интерактив шаклларидан фойдаланиш;
- Аудитория билан хамкорликда ахборот яратиш ва алмашиш жараёнларида иштирок этиш, ўқувчи билан ҳаммуалиф сифатида ишлаш.⁴⁰

5.2. Веб 1.0 ва Веб 2.0. шароитида журналистик фаолият.

Бугун ахборот истеъмолини аввалги холат билан солиштириб бўлмайди. Одамларнинг ТВ ва тоннги газеталарн кутиб дунё ахборот муҳитидан боҳабар бўлишлари “интернетгача” мавжуд бўлган ахборот макони сифатида таъриф этилган бўлса, бугун, инсонлар Интернет тармоғи орқали 7/24 тамойили асосида, яъни хафтасига 7 кун, суткасига 24 соат давомида ахборотдан хабардор бўлиш, уни истаган шалда, эшлиши, қўриш, ўқиш имкониятига эгалар.

Аммо бугун Интернет таъсирида вужудга келган ахборот маконининг ривожланиш жараёнида Web 1.0 босқичидан ўтиб, Web 2.0 даражасига ўтилди. Бугунги, Web 2.0 муҳити ўзининг очиқлиги, ташкилий жиҳатдан кенглиги ва хамжамиятлар, гуруғлар фаолияти, ҳаммуалифлик асосига қурилганлиги билан ажralиб туради. Wikipedia, MySpace, Facebook ва Youtube каби тармоқлар бу борада айнан шу технологияга қурилган ресурслар саналади.

Web 2.0 муҳитида **журналистик ижод жараёнида** ҳам ўзгаришлар юзага келмоқда. Глобал тармоқнинг кўп функцияли табиатини инобатга олган ҳолда, масс-медиа ахборот билан ишлаш услуби ва механизмларини ўзgartирмоқда. Глобал тармоқда чоп этилиши мўлжалланган ҳар қандай материалга гиперматнили контент нуқтаи назаридан керакли бўлган мазмун ва шакл бериш талаб этилмоқда.⁴¹ Шунга кўра, журналистларга қўйилаётган замонавий касбий талаблар соҳа вакилларида турли ОАВ учун материал тайёрлаш кўникма ва малакалари бўлишини тақозо этади. Қолаверса, матн

⁴⁰ Интернет-СМИ: Теория и практика. Учеб. пособие. / Под общ. ред. М.М.Лукиной. – М.: АспектПресс, 2010. –С. 80.

⁴¹ Mark Briggs, Journalism 2.0: how to survive and thrive. Б.17

функцияси ҳамда Интернетга видео, аудио ва фото материалларни уйғунлаштириш имкониятининг ўзгариши, шунингдек, информацион хабарнинг диалог тусини олиши журналистнинг ўз фаолиятига ёндашувини ўзgartиришини назарда тутади.

5.3. Веб-муҳитдаги конвергент ва мультимедиа журналистика.

Конвергенция – бу журналистик фаолиятнинг революцион ва бир вақтнинг ўзида эволюционн фаолият шаклидир. Конвергентлик шароитида журналистлар бир нечта медиа платформаларда ишлаш имконияти ва талабига эга бўлиб, турли медиа шакллардаги ахборотни тайёрлаш ва етказиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Конвергентлик ҳолати бир нечта кўринишларга эга:

Тактик конвергенция. ОАВ хамкорлигини таъминлаш орқали бирлашиш имкониятини яратиш демакдир. Ушбу моделнинг энг кенг тарқалган тури телеканалларнинг кабелли ТВ, газета ва радио билан хамкорликдаги фаолиятида намоён бўлади. Американинг Матбуот Институти (American Press Institute) 2004 йилда ўтказган тадқиқотига кўра АҚШда 1,452 кундалик газеталарнинг 30% ТВ каналлар билан хамкорликда ишлашни маъқуллаганини таъкидлайди. Бу борада медиа хамкорлик сарҳадлари кенгайиб, мазмуннинг бир каналдан бошқа каналга кўчиши натижасида конвергентлик юзага келганини кўриш мумкин.

Структуравий конвергентлик. Ушбу конвергенция ҳолати ахборот йиғиши ва тарқатиш жараёнларига таълуқлидир. Бунда журналистик кадрлар нуқтаи назаридан ҳам янги касбий кўникмалар, таҳририят штат тузилмасида янги мутахассиларга эҳтиёж туғилиб, мультимедиа продюссерлар ва мультимедиа мухарирлар жамоасининг шакллантирилиши тақозо этилади.

Ахборот йиғиши жараёнидаги конвергент ёндашув. Бу ҳолат кўпинча, воқеа жойидаги журналистлардан турли формат ва кўринишдаги (матн, видео, аудио, фотосуратлар ва х.зо) маълумотларни йиға олиш ва тақдим этиш талабида намоён бўлади. Бунинг учун журналистлар воқеа жойига етарлича керакли “аслаҳа” билан келиши керак албатта. Техник воситалар билан “қуролланган” мухбирларни шу сабаб хорижда, хатто, «Inspector Gadget» еки “рюкзакли журналист” деб аташади.

Ахборот тайёрлаши ва тарқатииш жараёнидаги конвергентлик. Айнан ахборот йиғиши ва тарқатиш жараёнига таълуқли ҳолат. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жараёнда ахборот етказиш усуллари ўзгариб, тобора мукаммалашади, ва айнан шу хусусият масс медиани унга рақобатчи бўлишда илгарилаб бораётган ахборот етказувчи фойдаланувчилардан

асосий фарқини белгилайди.⁴²

Айни пайтда турли медиа каналлардан фойдаланиш ОАВнинг яққол ифода топган жиҳатига айланмоқда. Буни бир қанча ОАВ турлари (масалан, газета, журнал, радио ва ҳатто, Интернет-нашрлар) тажрибасида кузатиш мумкинки, улар аудитория тўплашда бошқа информацион воситалар (мисол учун, телевидение) дан, қайта алоқани йўлга қўйишида эса коммуникацион каналлар (Интернет ёки мобил алоқа) дан фойдаланишга уринмоқда. Амалиётга бу бир неча шаклда татбиқ этилади:

1) газеталар ўз мазмунининг бир қисмини умумлаштириб, шу номли алоҳида теледастурлар ташкил этади;

2) радио телеэфирдан ўз каналини реклама қилиш ва дастурлар анонсини беришда фойдаланади;

3) интернет-нашрлар ўз мазмунини оммалаштиришда турли ОАВ турлари (ТВ, радио, матбуот) имкониятларини қўллайди. Агар дастлаб веб-нашрлар ва анъанавий ОАВ иттифоқи радио ва матбуот билан биргаликда ташкил этилган ҳамкорлик лойиҳалари мисолида кузатилган бўлса, эндиликда телеканаллар билан ҳам бундай алоқалар ўрнатиласяпти. Натижада, Интернет-нашр контентининг аксар қисми телеформатга кўчади. Бу, ўз навбатида, оддий Интернет-мазмундан информацион ёритишнинг мультимедиавий форматига ўтиш йўлидаги қадамдир-ки, бунда турфа контент (фото, видео, аудио, графика) имкониятларидан самарали фойдаланилади.

Мультимедиавийлик сари харакат. Веб-макондаги журналистик ижод жараёнига бу тақлид таъсир кўрсатиш натижасида мавжуд жанрлар тизими ҳам шаклан ўзгариб боради. Анъанавий жанрларнинг Интернет-муҳитга мослашув даражасини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бот-бот “...айрим оммалашган жанрлар шаклан ўзгаришга учраб, янги констант таҳлилий материаллар вужудга келмоқда” эканлигидан далолат бераяпти. Шу тақлид, репортаж таркибида визуал, товуш эфектлари ҳамроҳлигидаги динамик баён унсурлари бўлиши, корреспонденция ўз ичига прогнозлашни киритиши ёки аксинча, бир-икки жумлада реал фактларни акс эттириш билан чекланиши, информацион хабар (заметка) эса аксар ҳолларда “куруқ” ёритиш⁴³ қолипидан чиқиб, ахборот олиш ёки тасдиқлатишда мурожаат қилинадиган турли давлат, жамоатчилик манбалари, халқаро ташкилот, бошқармалар, эксперtlар ва архивлардан олинган бир қанча фактик ва визуал материалларни жалб этиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатда саноқли медиатузилмаларгина мультимедиавийликнинг тўлиқ комплексини

⁴² Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. Б. 3-21

⁴³ Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. Б. 135

ўзида бирлаштиради. Ваҳоланки, жаҳон тажрибасида инфографика, мультискрипт, слайд-шоу, аудио слайд-шоу сингари информацион материални тақдим этишнинг буткул янги, ҳодисани нафақат қатор матбуот жанрларини бирлаштирган ҳолда, балки телевизион, радио, матбуот, Интернет-журналистика жанрларини яхлитлаб ёритишга имкон берувчи шакллари пайдо бўлган-ки, натижада ахборот етказишнинг мутлақо янги ва кутилмаган усуллари яратилди.⁴⁴

Янги шароитларга мослашиб олган ОАВ секин-аста Интернетда бизнес юритиши ўрганиб, бунинг учун янги реклама берувчиларни топмоқда. Матбуот нашрлари е-нусхалари бозори ноширлик бизнеси тараққиётининг истиқболли йўналишига айланмоқда. Тахририятнинг электрон кўринишига, аввало, имидж, обрӯ, аудиторияни кенгайтириш, катта бозорга чиқиши воситаси, шунингдек, кўшимча реклама инструменти сифатида ёндашилади. Айни шу сабабдан тахририятлар кўшимча харажат эвазига ўз электрон аналогларини яратади. Хориж Интернет-нашрлари веб-мухитга аллақачон мослашиб, глобал тармоқ потенциалидан фаол фойдаланмоқда. Улар, рекламани жалб этиш мақсадида, шу кунларда асосий информацион маҳсулотдан ташқари ахборий, таҳлилий ва реклама характеристига эга маҳсус иловалар ташкил эта бошлади. Интернет-нашрлари ҳамда анъанавий ОАВ е-кўринишларида алоҳида иловалар яратиш амалиёти ҳали қўлланилмаяпти, бироқ ахборот бозорининг мазкур сегменти ўсиш суръати бу жараён яқин вақт ичida бошланишига ишора қилмоқда. Ушбу тизимнинг бирмунча соддалаштирилган кўринишидан реклама нашрларининг Интернет-манбаларида фойдаланила бошланди.

Шунинг баробарида мамлакатда онлайн электрон тўловлар тизимининг кенгайиши on-line ОАВда пулли контентнинг шаклланишига ҳамда тижорий характердаги ахборотнинг тақдим этилишига олиб келади. UzNetда рекламатижорат йўналишида фаолият олиб боревчи бир нечта медиалойиха мавжуд. Булар орасидан аналог нашр функцияларини бажариш орқали аудиторияни қамраб олиш диапазонини кенгайтирувчиларини ҳамда бутунлай оригинал Интернет-ОАВни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Такомиллаштирилган мобил ва коммуникацион технологиялар ОАВ даромади учун янги кенгликларни очади. Жадал ривожланаётган мобил алоқа ахборот тарқатишнинг янги платформаларини яратади. Уяли телефонлар учун қизиқарли ечимлардан босма нашрларнинг мобил варианти ҳамда мобил телевидениени келтириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб “Мобил телевидение”

⁴⁴ Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. Б. 135

хизматини амалга ошира бошлади. Истиқболда мобил телефонлар орқали томоша қилишга мослаштирилган телевизион каналлар сонининг ошиши кутилаяпти.

Медиамаданият ва медиатаълим. Жорий тенденциялар билан бир қаторда, мазкур ислоҳотлар оқибатини ҳам ҳисобга олиш шарт. Хусусан, мультимаданий информацион кенглик шароитида ОАВ хабарларини қабул қилишда долзарб аҳамият касб этаётган медиамаданиятни эслатиб ўтмоқ керак. Бугун аҳоли орасида информацион маданиятни мактаб ёшидан бошлаб шакллантириб бориш зарур. Замонавий ахборот истеъмолчисининг ҳолати аҳолини манбаларда мўлжал олиш, публикациялар характерига эътибор бериш, миллий ОАВнинг Ўзбекистон аудиториясига ахборий таъсирини ҳар томонлама кучайтириш муҳим саналади. Бу айниқса Интернет-ОАВ ривожланишм шароитида долзарб бўлиб, уларнинг контентни мавзуга чуқур ёндашишга имкон беради. Шунга кўра барча учун зарур бўлган узлуксиз медиатаълим масаласини бугуноқ муҳокамага қўйиш лозим.

Назорат саволлар:

1. Веб 1.0 ва веб 2.0 тушунчалари орасидаги фарқлар?
2. Ижтимоий тармоқлар таъсирида журналистик фаолиятда кечеётган ўзгаришлар нимадан иборат?
3. Конвергент журналистикининг асосий хос хусусияти.
4. Мультимедиавий журналистикининг бугун кундаги долзарб муаммолари нимадан иборат?

Адабиётлар рўйхати:

1. Carla Mooney, Online privacy and social media. P.7-65
2. Peyton Paxton, Mass communication and media studies. P.129-151
3. Mark Briggs, Journalism 2.0: how to survive and thrive
4. Jennifer alejandro. Journalism in the age of social media. Hilary and Trinity Terms. 2010.
5. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005.
6. Jim Hall. Online journalism. A critical primer. London. Pluto Press. 2001.
7. Интернет-СМИ: Теория и практика. Учеб. пособие. / Под общ. ред. М.М.Лукиной. – М.: Аспект Пресс, 2010.
8. Муратова Н.Ф. Интернет журналистика Узбекистана: функционирование он-лайн СМИ в условиях глобального информационного рынка". Монография. Германия, Lab Academic Publishing. 2013.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Он-лайн мұхитда замонавий медиаформатлар.

1. Он-лайн медиамаконда турли мәданиятлар вакилларининг самарали, нозиддиятли ҳамкорлиги.

2. “Юмшоқ күч” түшунчаси.

Ишдан мақсад: янги түшүнчаларни SWOT таҳлилини амалга ошириш орқали мустақил изоҳлашга ва уларни чуқур ангашга эришиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда “юмшоқ күч” түшүнчасини мустаҳкамлашга қаратилган топшириқ сифатида айнан шу тамойил асосида чоп этилган материаллар таҳлили амалга оширилади. Машғулот якунида интернет саҳифаларидан аниқланган “юмшоқ күч” методидан фойдаланиб тайёрланган онлайн мақолалар аниқланади ва гурухларда муҳокама этилади.

Ишни бажариш учун намуна: “ЮМШОҚ КҮЧ” түшүнчасини S-кучли томонлари, W-заиф томонлари, О-имкониятларини, Т-тўсиқларини кўрсатиш орқали таҳлилини амалга оширинг.

Назорат саволлари:

- 1) “Интернет - мәданиятлараро диалог воситаси” деганда нимани түшунасиз?
- 2) Интернет орқали маълумот тарқатишида “юмшоқ күч” түшүнчаси нимани англатади ва Интернет ОАВда нималарда намоён бўлади?
- 3) Рақамли технологиялардан фойдаланишда номутаносиблик сабаблари ва оқибатлари?

Адабиётлар рўйхати:

1. Measuring cultural participation. UNESCO-UIS. 2012. P.25-27
2. Nancy Snow, Philip M. Taylor. Routledge Handbook of Public Diplomacy. Routledge. Taylor & Francis. 2009. P 24-26
3. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет: яратилиши, тарихи, техник хавфсизлик масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2011 йил.

2-мавзу: Интернет ахборотини ишлаб чиқиш ва истеъмол қилишнинг психо- когнитив жиҳатлари.

1. Он-лайн мұхитда аудитория ва муаллиф муносабатлари.
2. Интернет журналистлари томонидан мақсадли аудиторияга ахборот тайёрлаш ва узатишдаги ўзига хослик.
3. Турли форматдаги Интернет ахборотининг аудитория томонидан қабул қилиниши.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимларни амалиётда қай тарзда акс этишини мисоллар орқали ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Амалий машғулот давомида турли мақсадларга йўналтирилган веб-сайтлар таҳлилини амалга ошириш топшириғи берилади. Машғулот якунида хар бир иштирокчи ўз таҳлил қилган веб-сайти бўйича тақдимот топширади.

Ишни бажариш учун намуна:

<i>Сайт номи</i>	<i>Неча форматда медиа маҳсулот тақдим этилади</i>	<i>Матн холатидаги материаллар хусусияти</i>	<i>Визуал форматдаги материаллар хусусияти</i>

Назорат саволлари:

- 1) Мультимедиа нима ва у замонавий ОАВда қандай намоён бўлади?
- 2) Визуаллизация таъсирида ОАВ да кечаётган ўзгаришлар?
- 3) Янги медиаформатларнинг видео билан боғлиқ шаклларига мисол келтиринг.
- 4) Янги медиаформатларнинг фото хосиласида ривожланган янги турларига нималар киради.

Адабиётлар:

1. Paul Cobley. Semiotics. Routledge. 2010.
2. Daniel Chandler. Semiotics for Beginners. Routledge, 2002.
3. M.Smikiklas. Infografika. USA. Indiana, Indianapolis: 2014. P. 23-25
4. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. (P. 147-163)

3 - мавзу: Тармоқдаги оммавий коммуникация воситалари ривожланишига доир футурологик концепциялар мазмуни ва уларнинг жамиятга таъсири

1. Тармоқ коммуникациялари тараққиётидаги замонавий тенденциялар, ахборот жамиятига футурологлар ёндашуви.
2. Тармоқ коммуникацияларининг жамият ривожланишига таъсири концепциялари.
3. Он-лайн мухитда конвергент журналистика ҳақида билимларга эга бўлиши.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда хар бир футурологик концепция ФСМУ методи орқали таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: гурухларга бўлинган холда, ахборот жамияти ва Интернет макони талқинини акс эттирувчи концепциялар таҳлил этилади. Гурухдаги фаолият натижаси сифатида хар бир футурологик концепция

ФСМУ методи орқали таҳлил этилади, мисоллар билан бойитилади, ва якуний лойиҳа сифатида тақдим этилади.

Ишни бажариш учун намуна: “Постмодернизм”га нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Назорат саволлари:

- 1) Жамият ривожига оид футурологик концепцияларни сананг?
- 2) Жамият ривожига оид футурологик ёндашувлар бўйича етакчи олимлар ва уларнинг қарашлари нимадан иборат?
- 3) Футуролог олимларнинг ахборот жамиятининг технологик ва иқтисодий талқини ўзида нималарни акс эттиради?
- 4) Футуролог олимларнинг ахборот жамиятининг маданий талқини ўзида нималарни акс эттиради?

Адабиётлар рўйхати:

1. Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006
2. Castells M. The Internet Galaxy. Reflections on the Internet, Business, and Society. – London. Oxford University Press, 2004.
3. Тоффлер Э. Третья волна. - М.: ООО "Издательство АСТ", 2002.
4. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005.

4- мавзу: Постмодернизм даврида семиотика ва онлайн медиалар.

1. Онлайн медиада символ ва белгилар.
2. Интернет журналистикада семиотик таҳлил.
3. Он-лайн ОҚВ учун материал тайёрлашнинг янги услуг ва методикалари ва у ҳақида маълумот олиш.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулот давомида онлайн медиаларда учрайдиган белги ва рамзлар, сурат ва суратга асосланган янги форматларнинг, реклама баннерларининг семиотик таҳлили амалга оширилади.

Ишни бажариш учун намуна: гурухларда ишлаш жараёнида хар бир мисол бўйича SWOT таҳлилнинг натижаси тақдим этилади.

Назорат саволлари:

- 1) Медиа учун семиотика аҳамияти?
- 2) Семиотикада тексри таъсир оқибатлари?

Адабиётлар рўйхати:

1. Paul Cobley. Semiotics. Routledge. 2010.
2. Daniel Chandler. Semiotics for Beginners. Routledge, 2002.
3. M.Smikiklas. Infografika. USA. Indiana, Indianapolis: 2014. P. 23-25

5 - мавзу: Ижтимоий медиалар – журналистика тараққиётидаги янги йўналиш. Он-лайн мухитдаги конвергент журналистика.

1. Ижтимоий тармоқлар таъсирида журналистик фаолият юритиш.
2. Веб 1.0 ва Веб 2.0. шароитида журналистик фаолият.
3. Веб-мухитдаги конвергент ва мультимедиа журналистика

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда конвергент таҳририят моделини яратиш учун амалий топшириқ берилади. Аниқ публицистик мультимедиавий материал мисолида натижалар қабул қилинади.

Ишни бажариш учун намуна: хар бир грух, таҳририятдаги аъзоларнинг вазифалари, ишлаш механизмлари, муддатлари бўйича таҳририят моделини ишлаб чиқади.

Назорат саволлари:

- 1) Конвергент журналистикинг асосий хос хусусияти.
- 2) Мультимедиавий журналистикинг бугун кундаги долзарб муаммолари нимадан иборат?

Адабиётлар:

1. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005.
2. Интернет-СМИ: Теория и практика. Учеб. пособие. / Под общ. ред. М.М.Лукиной. – М.: Аспект Пресс, 2010.
3. Муратова Н.Ф. Интернет журналистика Узбекистана: функционирование он-лайн СМИ в условиях глобального информационного рынка”. Монография. Германия, Lab Academic Publishing. 2013.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Мини-кейс 1.

«Ижтимоий тармоқ – инструмент ёки душман?»

ОАВ ўз фаолиятида ижтимоий тармоқлар фаолиятидан жада фойдаланиб бормоқда. Бунда ижтимоий тармоқ имкониятлари ОАВ учун аудиторига чиқиши, уни янгиликлардан текор ва самарали бохабар этиш мақсадида фойдаланилади. Аммо махаллий ОАВ да берилган бир хабарнинг расмий ОАВда чиқмасдан аввал ижтимоий тармоқларда кенг тарқалгани кузатилди. Мазкур хабар текширув жараёнидан охиригача ўтмасдан, тасдиқланмаган хабар мавқеида турган маҳал, таҳририят ходимо томонидан ққариндошига юборилади, ва шу тариқа кенг тарқалиб кетишига олиб келади.

*Холатнинг сабабини тушуунтиринг? Вазиятдан чиқиши йўллари қандай?
Таҳририят ходими бўлганизда бу холат учун хамкасбингизга қандай жазо
кўллаган бўлар эдингиз?*

Мини-кейс 2.

«Таҳририятда модернизация – ОАВ етакчиликка эришиши учун бир ходим бир нечта ходимлар вазифасини ҳам кўшиб бажаришга мажбур»

ОАВ таҳририяти янгича услубда ишлашни ва шу орқали ахборот бозорида етакчиликка эришиши кўзлаган. Мазкур жараёнда илғор тажрибага эга ходимлардан бўлган Т... исмли инсонга бир қанча топшириқлар берилган, аммо бу унинг ваколатига кирмайдиган соҳалар бўлгани инобатга олинмай, вазифаларга масъул сифатида шу ходим тайинланади. Аммо катта иш хажми туфайли ушуб ходим бетоб бўлиб қолади. Зиммасига юклатилган барча вазифалар бажарилмай қолиб кетади.

*Ушибу вазиятда Т... исмли ходимнинг позицияси қандай бўлиши керак?
Агар акси бўлса бунинг натижаси қандай бўлади? Мазкур вазиятдан чиқиши
йўлини таклиф этинг.*

Мини-кейс 3.

«Конвергент таҳририятда муддатларни белгилашаҳамияти»

ОАВ таҳририяти конвергент тартибда ишлашга ўтган. Хар бир янгилик камида 3 кўринишдаги материал билан бойитилган холда беришиши талаб қилинади. Ушбу холатда хар бир материал бўлаги учун масъул ходимлар бўлими ўз муддатини белгилади керак. Мақола кечки соат 5 да сайтга кўйилиши режалаштирилган. Мақола таркибидаги маълумотлар мазмунига кўра ажратилиб, бир нечта қисмдан иборат: мант, фотожамланма, видеосюжет, инфографика ва аудиослайд шоу берилиши белгиланган.

Ушибу холатда қайси форматдаги материал қанча вақт олишини аниқланг? Қайси тартибда улар ва қайси кетма-кетликда сайтга жойлаштирилишини белгиланг?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Ижтимоий медиаларшароитида журналистика
2. Ижтимоий медиа тараққиётининг журналистикага таъсири.
3. Он-лайн мухитдаги конвергентжурналистика.
4. Он лайн мухитида янги медиаформатлар.
5. Он лайн мухитида визуализация имкоиятлари.
6. Он лайн мухитида визуализация муаммолари.
7. Он лайн мухитида мультимедиа журналистика кўринишлари.
8. Он лайн мухитида мультимедиа мақола таркиби.
9. Он лайн таҳриритяда конвергенция.
10. Конвергент таҳририятда ишни ташки этиш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Интернет	[лот. интер — аро ва нет (work) — тармоқ] — катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармокларини ўзаро боғловчи бутунжаҳон компьютер тизими.	The Internet is the global system of interconnected computer networks that use the Internet protocol suite (TCP/IP) to link billions of devices worldwide. It is a network of networks that consists of millions of private, public, academic, business, and government networks of local to global scope, linked by a broad array of electronic, wireless, and optical networking technologies.
Коммуникация	(lot. communicatio — umumlashtiraman, bog‘layman) Инсон яратган техникавий тизимларда қуидаги 4 та асосий К. тури бор: "инсон-инсон", "инсон-машина", "машина-инсон", "машина-машина".	Communication is simply the act of transferring information from one place to another
“Юмшок куч”	“номоддий, билвосита таъсир кучига эга бўлган – маданият, қадриятлар ҳамда мафкура кабилар орқали дипломатик таъсирни ўзи ичига олади	Soft power is a concept developed by Joseph Nye of Harvard University to describe the ability to attract and co-opt rather than by coercion (hard power), using force or giving money as a means of persuasion. Soft power is the ability to shape the preferences of others through appeal and attraction
Интернет ОАВ	Интернет ОАВ	An audience is a group of

аудиторияси	фойдаланувчилари	people who participate in any online medium.
Мақсадлы аудитория	ОАВ мавзуси ва фаолият йўналишига мос аудитория кесими	A target audience, is a particular group of consumers within the pre-determined target market, identified as the targets or ‘recipients’ for a particular advertisement or message
Интерактив журналистика	барча ОАВ журналистлар факат ахборот етказувчи эмас, балки, аудитория билан ўзаро муносабатда, ахборот қабул қилиш имконияти мавжуд бўлган соҳа	Interactive journalism is a new type of journalism that allows consumers to directly contribute to the story, reporters can develop a conversation with the audience.
Интраактивлик	инглизча «Interact» сўзидан олинган бўлиб – ўзаро муносабат, бирбирига боғлиқлик, ўзаро алоқа. Бу технология бир нуқтадан иккинчи нуқтага ахборот алмашаш шароитини яратади, яъни алоқа жараёнидаги барча иштирокчиларни бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлайди	Interaction is a kind of action that occurs as two or more objects have an effect upon one another. The idea of a two-way effect is essential in the concept of interaction, as opposed to a one-way causal effect.
Ахборот жамияти	ахборот хал қилувчи куч саналган жамият тузилмаси	An information society is a society where the creation, distribution, use, integration and manipulation of information is a significant economic, political, and cultural activity.
Постиндустриал жамият	индустрисдан кейинги ривожланиш жараённи назарда тутиб, ахборот жамиятининг Д.Белл томонидан илгари	the post-industrial society is the stage of society's development when the service sector generates more wealth than the

	суралган йутурологик концепциясини акс эттиради.	manufacturing sector of the economy. The concept was popularized by Daniel Bell, and is closely related to similar sociological theoretical constructs
Конвергенция	бирлашиш, күшилиш маъносини билдириб, ОАВ соҳасида икки йўналишда намоён бўлади: а) бир канал орқали турли медиа воситалар иштироқида ахборот етказиш; б) бир таҳририят остида турли медиа каналларнинг мавжудлиги (матбуот, Интернет нашр, ТВ ва радиоканал ва х.зо).	In general, convergence is a coming together of two or more distinct entities or phenomena. Convergence is increasingly prevalent in the media; in this context the term refers to the combination of two or more different technologies in a single medium.
Семиотика	белги ва рамзларнинг тузилиши ва амалий таъсирини ўрганувчи илм хисобланади	Semiotics (also called semiotic studies) is the study of meaning-making, the study of sign processes and meaningful communication.
Мультимедиа	маълумотларни турли медиа платформаларда – матн, фотосурат, аудио-, видео-, графика, анимация ва бошқа шакллар уйғунлигига тақдим этиш	Multimedia is content that uses a combination of different content forms such as text, audio, images, animation, video and interactive content. Multimedia contrasts with media that use only rudimentary computer displays such as text-only or traditional forms of printed or hand-produced material.
Визуализация	маълумотларни визуал холатга ўтказиш талаби ва жараёни	Visualization is any technique for creating images, diagrams, or animations to communicate a message. Visualization through

		visual imagery has been an effective way to communicate both abstract and concrete ideas since the dawn of man.
Инфографика	асосий мақсади тушуниш ва англаш мураккаб бўлган ҳодиса, маълумотларни оддий ҳамда қабул қилиш жараёнини осон, тушунарли бўлишини таъминлашдир.	Information graphics or infographics are graphic visual representations of information, data or knowledge intended to present information quickly and clearly. They can improve cognition by utilizing graphics to enhance the human visual system's ability to see patterns and trends
Ижтимоий тармоқлар	Интернетда ўзаро қизиқишлиар ёки фаолиятга эга шахслар билан мулоқот куриш учун мўлжалланган тармоқ. Мулоқот ўзаро алоқа ички почта ёки хабар алмашиш тизими орқали амалга оширилади. Ижтимоий тармоқлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Ижтимоий тармоқ хусусиятларининг бири – дўстлар ва гурӯхлар тизимиdir.	Social media is the collective of online communications channels dedicated to community-based input, interaction, content-sharing and collaboration.
Конвергент таҳририят	1) бир канал орқали турли медиа воситалар иштироқида ахборот етказишига мўлжалланган жамоа; б) турли медиа каналларнинг матбуот, Интернет нашр, ТВ ва радиоканал ва х.зо) ўзаро боғлиқ ва бир вақтни ўзида мустақил	The concept of a newsroom where media professionals mix, mingle, share and collaborate is not a new one. We've seen examples of convergence in large media organizations. It is model where journalists gather the story, then tell it in different ways

	фаолиятини бир тахририят орқали таъминлаш.	through different media.
Мультимедиа журналистика	турли медиа воситаларни бирлаштирган холда ахборот тақдим этиш шакли.	Multimedia journalism can be one multi-skilled reporter telling a story for TV, radio and online or it can mean running a newsroom where journalists working in different media collaborate.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Measuring cultural participation. UNESCO-UIS. 2012. P.25-27
2. Nancy Snow, Philip M. Taylor. Routledge Handbook of Public Diplomacy. Routledge. Taylor & Francis. 2009. P 24-26
3. Daniel Black, Stephen Epstein and Alison Tokita. Media Flows, Soft Power and East Asia. Monash University. 2010. (1-боб)
4. Herlander Elias. Post-Web. The Continuous Geography of Digital Media. Formal Press Publishing House. Portugal. 2012. Б. 80-88.
5. Blinkx Survey of TV and Online Video Habits Reveals Surprising User Behavior». 2008. 28 Febr
6. Webster F. Theories of the Information Society. Third edition. – Canada. Routledge, 2006
7. Castells M. The Internet Galaxy. Reflections on the Internet, Business, and Society. – London. Oxford University Press, 2004.
8. Тоффлер Э. Третья волна. - М.: ООО "Издательство ACT", 2002.
9. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005.
9. Paul Cobley. Semiotics. Routledge. 2010.
10. Daniel Chandler. Semiotics for Beginners. Routledge, 2002.
11. M.Smikiklas. Infografika. USA. Indiana, Indianapolis: 2014. P. 23-25
12. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005. (P. 147-163)
13. Carla Mooney, Online privacy and social media. P.7-65
14. Peyton Paxton, Mass communication and media studies. P.129-151
15. Mark Briggs, Journalism 2.0: how to survive and thrive
16. Jennifer alejandro. Journalism in the age of social media. Hilary and Trinity Terms. 2010.
17. Stephen Quin, Vincent F. Filak. Convergent Journalism. An Introduction. Elsevier Inv. 2005.
18. Интернет-СМИ: Теория и практика. Учеб. пособие. / Под общ. ред. М.М.Лукиной. – М.: Аспект Пресс, 2010.
19. Лосева Н. Новые медиа как продукт. Презентация // Всероссийский семинар по мультимедийной журналистике, г. Пермь, 2014.
20. Журналистика и конвергенция: почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные / под ред. А.Г.Качкаевой. – М.:, 2010. – С. 131
21. Кудратхўжаев Ш.Т. Интернетда ва ахборот. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2012 йил.

22. Кудратхўжаев Ш.Т. Интернет: яратилиши, тарихи,техник хавфсизлик масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2011 йил.
23. Муратова Н.Ф. Интернет журналистика Узбекистана: функционирование он-лайн СМИ в условиях глобального информационного рынка”. Монография. Германия, Lab Academic Publishing. 2013.
24. Paul N., Fiebich C. The Elements of Digital Storytelling. – www.inms.imn.edu/Elements/index.php